

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

39-сон
(1163)
2024 йил
сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

334. «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 27 сентябрдаги ЎРҚ–967-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

335. «Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПФ–143-сон Фармони

336. «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очикликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 сентябрдаги ПФ–149-сон Фармони

337. «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича

биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ–330-сон қарори

338. «Ўзбекистон Республикасида тиббий ва соғломлаштириш туризмни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ–335-сон қарори

Бешинчи бўлим

339. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг 2024 йил 4 сентябрдаги 01/21-3173-сон “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039-2*)
340. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 24-sentabrdagi 26-mh-son “Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturlar va ma’lumotlar bazasini rasmiy ro‘yxatdan o‘tkazish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 25-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3436-1*)
341. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 24-sentabrdagi 25-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 25-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3555*)
342. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar vazirligining 2024-yil 9-sentabrdagi 29, 21-son “Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 26-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2472-3*)
343. O‘zbekiston Respublikasi qurilish va uy joy kommunal xo‘jaligi vazirining 2024-yil 26-avgustdagi 1-son “O‘zbekiston Respublikasining hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish va qurish to‘g‘risidagi shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxlarini aniqlash bo‘yicha uslubiy qo‘llanmani tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 27-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3556*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****334 «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
21 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 10 июлда
маъқулланган

Мамлакатимизда бандлик соҳасидаги давлат хизматларидан фойдаланиш учун қўшимча қулайликлар яратиш, мазкур соҳани рақамлаштириш воситасида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, ишсиз шахсларни қўллаб-қувватлаш ва уларни касбга ўқитиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган бир қатор ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бандлик соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ва унинг бандлигига кўмаклашишга қаратилган чора-тадбирларни янада тартибга солиш мақсадида қонунчиликда янги нормаларни акс эттириш, шунингдек маъмурий ислохотлар доирасида бир қатор республика ижро этувчи ҳокимият органларини ўзгартириш ҳамда қонун ҳужжатларига ушбу органларнинг ва улар тасарруфидаги ташкилотларнинг расмий номларини аниқлаштиришга тааллуқли тегишли ўзгартиришлар киритиш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига иш қидираётган шахсларнинг меҳнат органларига ортиқча ҳужжатлар тақдим этишига йўл қўйилмаслигини, бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидиялар тақдим этиш механизми такомиллаштирилишини назарда тутувчи, шунингдек иш берувчилар томонидан маҳаллий меҳнат органларига бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни, ходимларнинг ишдан бўлғуси озод этилиши ҳақидаги ахборотни ҳар ойда электрон тарзда тақдим этиш шартларини белгиловчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг номланиши аниқлаштирилмоқда, шунингдек оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахслар аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифасига киритилмоқда.

Ушбу Қонун ишга жойлаштириш бўйича аҳолига кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигини оширишга, шу йўналишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга, иш берувчилар томонидан маҳаллий меҳнат органлари-

га тегишли ахборотни тақдим этиш жараёнини содалаштиришга, маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилаётган фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб этилишининг олдини олишга, шунингдек ходимларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини кучайтиришга ҳамда аҳолининг давлат органларига нисбатан ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «**Аҳоли бандлиги тўғрисида**»ги ЎРҚ–642-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 595-модда; 2021 йил, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 3, 216-модда, № 5, 464-модда, № 6, 570-модда, 10-сонга илова; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модданинг:

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«меҳнат органлари — Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий меҳнат органлари деб юритилади), туманларнинг (шаҳарларнинг) камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари (бундан буён матнда маҳаллий меҳнат органлари деб юритилади)»;

2) 6-модданинг тўртинчи хатбошисидаги «касб-ҳунар коллежлари» деган сўзлар «коллежлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 7-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 8-модда:

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 9-модда:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 10-модда биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 11-модда:

номидаги «Давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «**Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ижро этувчи ҳокимият органлари»;

иккинчи қисмидаги «Давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 12-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошисидаги «касб-ҳунар коллежлари» деган сўзлар «коллежлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) 13-модда:

биринчи қисмининг:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойда, шунингдек ходимларнинг ишдан бўлғуси озод этилиши тўғрисидаги ахборотни ҳар бир ходимни кўрсатган ҳолда, улар ишдан озод этилишидан камида икки ой олдин «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали электрон тарзда маҳаллий меҳнат органларига тақдим этиш»;

саккизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар иш берувчи томонидан маҳаллий меҳнат органига ҳар бир ҳисобот ойининг охиридаги ҳолатга кўра «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали электрон тарзда тақдим этилади. Бўш (вакант) иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар Бўш (вакант) иш ўринлари миллий базасига киритилади»;

10) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **18-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш мезонлари жумласига қуйидагилар кирази:

а) ходимларининг сони йигирма нафар ва ундан ортиқ бўлган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотни (унинг алоҳида бўлинмасини) тугатиш;

б) ходимлар сонининг (штатининг) қуйидаги миқдорда:

ўттиз календарь кун ичида эллик нафар ва ундан ортиқ ходимнинг;

олтмиш календарь кун ичида икки юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг;

тўқсон календарь кун ичида беш юз нафар ва ундан ортиқ ходимнинг қисқариши»;

12) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Субсидия бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун вазирликлар ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган молиявий кўмакдир.

Субсидияларнинг турлари ва уларни тақдим этиш тартиби қонунчилик билан белгиланади»;

13) **22-модданинг биринчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **23-модданинг:**

биринчи қисмидаги «давлат бошқаруви органларига» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек маҳаллий ижро ҳокимияти органлари иш ўринларини ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг дастлабки параметрлари асосида иш ўринларини ташкил этишга доир давлат буюртмасини ҳар йили 1 ноябрдан кечиктирмай кўриб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уни Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастури лойиҳасига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Камбағал-

ликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборади»;

олтинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 24-модда:

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ссуда берилишини қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли:

ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

Ссуда бериш рад этилган тақдирда, ариза берувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган хабарнома бир иш куни ичида юборилади»;

еттинчи қисми тўққизинчи қисм деб ҳисоблансин;

16) 25-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 29-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олиш маҳаллий меҳнат органининг масъул ходими томонидан амалга оширилади.

Иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органига паспортини ёки идентификацияловчи ID-кارتасини ёхуд шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этган ҳолда мурожаат қилади.

Иш қидираётган шахсларнинг иш стажи, маълумоти (мавжуд бўлган тақ-

дирда), иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ҳамда бошқа маълумотлар маҳаллий меҳнат органи томонидан масъул давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан «Рақамли ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади.

Иш қидираётган шахслар маҳаллий меҳнат органларига касби ёки касбий малакаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатни ёки унинг кўчирма нусхасини (касби ёки касбий малакаси мавжуд бўлган тақдирда) тақдим этиши мумкин.

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи электрон сўров юбориш орқали масъул ташкилотлардан қуйидаги маълумотларни олиши мумкин:

тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларидан — тавсия этилаётган меҳнатнинг хусусияти ва шароитлари тўғрисидаги хулосани (ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан);

соғлиқни сақлаш муассасаларидан — тиббий хулосаларни ва бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни (соғлиғининг ҳолатига кўра меҳнат фаолиятида чекловлар мавжуд бўлган шахсларга нисбатан);

жазони ижро этиш муассасаларидан — шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотномани (жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан);

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларидан — болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг кўчирма нусхаларини (қарамоғида болалари бўлган шахсларга нисбатан);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимларидан — боқимандалар мавжудлиги ҳамда қонунчиликда белгиланган нафақа ва пенсияларни олмаётганлиги тўғрисидаги маълумотномани (болаларидан ташқари бошқа боқимандалари бўлган шахсларга нисбатан).

Зарур бўлганда, маҳаллий меҳнат органи мурожаат этган шахс ҳақиқатан фермер (деҳқон) хўжалиги аъзоси эканлиги тўғрисида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашидан ахборот сўраб олиши мумкин»;

18) **30-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидиялар олганда»;

19) **32-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** «давлат ташкилотларига» деган сўзлардан кейин «(бундан «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмида ва иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган лавозимлар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

20) **34-модданиннг иккинчи қисми** «Ташкилот» деган сўздан кейин «(бундан «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-моддасининг биринчи қисмида ва иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган лавозимлар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **36-модданиннг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **37-модданинг еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) **38-модданинг иккинчи қисми:**

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота ёки она (уларнинг ўрнини босувчи шахс), шунингдек кўп болали оилалардаги ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)»;

учинчи хатбошисидаги «касб-хунар коллежларини» деган сўзлар «коллежларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«оилавий (маиший) зўравонликдан жабрланган шахслар»;

ўнинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

24) **39-модда саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота ёки она (уларнинг ўрнини босувчи шахс), шунингдек кўп болали оилалардаги ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) учун — болаларни тарбиялаш мажбуриятлари ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари»;

25) **47-модданинг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга ҳамда шахсий томорқа ер участкаларини ривожлантиришга қаратилган, қонунчиликда белгиланган тартибда бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидияларни олиш имкониятини»;

26) **48-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидия олганда»;

27) **49-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнат шартномаси қуйидаги асослар бўйича бекор қилинган тақдирда, иш қидириш даврида ўртача ойлик иш ҳақи ишдан бўшатиш нафақаси ҳисобга олинган ҳолда, бироқ кўпи билан икки ойга сақланиб қолиши ҳодимлар учун кафолатланади:

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги;

ходим иш берувчи билан бирга ишлаш учун бошқа жойга кўчишни рад этганлиги;

ходим соғлигининг ҳолатига кўра, тиббий хулосага мувофиқ соғлиги-

нинг ҳолати бўйича ўзига қарши кўрсатма мавжуд бўлмаган бошқа ишга ўтишни рад этганлиги ёки иш берувчида тегишли иш мавжуд эмаслиги;

технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ўзгариши сабабли ташкилот ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажми қисқарганлиги;

ташкilotнинг (унинг алоҳида бўлинмасининг) ўз таъсисчилари (иштирокчилари) қарорига кўра тугатилганлиги ёхуд таъсис ҳужжатлари билан шунга ваколатли бўлган юридик шахс органининг қарорига кўра тугатилганлиги;

бажараётган ишига малакаси етарли эмаслиги оқибатида нолойиқ эканлиги;

шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланганлиги;

суднинг ташкilotни тугатиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирганлиги»;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташкilotлардан ишдан бўшатиш ҳамда маҳаллий меҳнат органининг йўлланмаси бўйича ишга қабул қилинган шахсларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга доир харажатларни компенсация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан иш берувчига ҳар бир ходим учун олти ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда субсидия ажратилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ходимнинг касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ва малака оширишдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхасини иш берувчи ўқув курси якунланганидан кейин беш иш куни ичида маҳаллий меҳнат органига тақдим этмаган ҳолларда, маҳаллий меҳнат органи ходимни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва унинг малакасини оширишга доир харажатларнинг ўрнини қоплаш учун ажратилган ҳамда иш берувчи ташкilotга тўлаб берилган субсидияларни қайтариш чораларини кўради»;

еттинчи ва саккизинчи қисмлари тегишинча **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи қисмидаги «Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган иш ҳажмлари қисқарганлиги» деган сўзлар «Технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ўзгариши сабабли ташкilot ходимларининг сони ёки штати ўзгарганлиги, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажми қисқарганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **55-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунчиликда белгиланган тартибда бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун субсидия олганда»;

29) **59-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон

Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) 60-модданинг:

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саққизинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) 61-модданинг:

биринчи — тўртинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга муддатли меҳнат шартномалари тузилади. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича ҳудудий дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда, жамоат ишларида иштирок этиш учун ўн бир ойгача муддатга меҳнат шартномалари тузилиши мумкин.

Бюджет ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шу жумладан жамоатчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича), шунингдек кўп квартирали уйлардаги уй-жой мулкдорларининг ширкатлари томонидан (туташ ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва сақлаш бўйича) ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида маҳаллий меҳнат органининг йўлланмаларига кўра ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга оид харажатларнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади. Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кўп бўлиши мумкин эмас ҳамда маҳаллий меҳнат органи томонидан юборилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг ўрни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан юз фоиз қопланади.

Тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан (бундан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартиралли уйлардаги уй-жой мулкдорларининг ширкатлари мустасно) ташкил этиладиган ҳақ тўланадиган жамоат ишларида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг эллик фоизигача бўлган қисмининг ўрни иш берувчи бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган бир шахс меҳнатига тўланган ҳақнинг ўрнини Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан қоплашнинг ҳар ойлик миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки баравари миқдоридан ошмаслиги керак. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳар ойда ҳақ тўлаш меҳнат шартномаси асосида белгиланади.

Зарур бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш ўрнини қоплашнинг ҳар ойлик миқдорини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг тўрт бараваригача миқдорда белгилаши мумкин»;

32) 63-модда:

Биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги «касб-ҳунар коллежлари» деган сўзлар «коллежлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

33) 64-модданинг:

Иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) 65-модданинг:

Иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

Учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

35) **72-модданинг матнидаги** «давлат бошқаруви органининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) **73-модда:**

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Стипендия ишсиз деб эътироф этилмаган шахсларга тўланмайди»;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи — ўнинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Стипендия ишсиз шахсга буйруқ асосида таълим муассасасига қабул қилинган кундан эътиборан таълим муассасаси томонидан ҳисобланади ва тўланади.

Жорий ойдаги стипендия тўлови ўтган ой учун амалга оширилади.

Тўлиқ бўлмаган календарь ой учун стипендияни тўлаш чоғида стипендия мазкур стипендия тўланиши керак бўлган ушбу календарь ойдаги кунлар сонига ва тўлиқ календарь ойдаги ўқиш кунлари сонига мутаносиб миқдорда тўланади.

Тўлиқ календарь ой учун стипендия тўлови ушбу календарь ойдаги кунлар сонидан келиб чиққан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади. Бунда, агар ўқиш даври календарь ой тугагунига қадар тамомланган бўлса, стипендия таълим муассасасининг ўқишни тамомлаш ёки ўқишдан четлаштириш тўғрисидаги буйруқ чиқарилган санагача ҳисобланади ва тўланади.

Стипендияни олиш даврида ишсиз шахс касал бўлган тақдирда стипендияни ишсиз шахснинг қариндошлари (отаси, онаси, эри (хотини), вояга етган болалари) ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномага асосан ишсиз шахснинг бошқа ишончли шахслари томонидан олишга йўл қўйилади»;

37) **75-модда:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

38) **76-модда:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг:

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «давлат бошқаруви органларининг» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши тўғрисидаги низом ҳамда унинг фаолияти Регламенти Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири томонидан тасдиқланади»;

еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

39) **80-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

40) **82-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисми:

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «ишончсиз ёки нотўғри» деган сўзлар «нотўғри ёки бузиб кўрсатилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг қароридан норози бўлган тақдирда ариза берувчи аккредитация қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга»;

41) **83-модданинг еттинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

42) **84-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **85-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

44) **86-модданинг:**

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

45) **87-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган талаблар ва шартлар малакани баҳолаш маркази томонидан бузилганлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаси улар томонидан бажарилмаганлиги фактлари аниқланган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги малакани баҳолаш марказининг аккредитацияси амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ёхуд унинг аккредитациясини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли»;

бешинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

46) **88-модданинг учинчи қисмидаги** «давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, иш берувчилар бирлашмалари билан биргаликда» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, иш берувчилар бирлашмалари билан биргаликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

47) **89-модда:**

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «давлат ва хўжалик бошқаруви органлари»

деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бошқаруви органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги танлаган ташкилотлар томонидан — Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган буюртмасига мувофиқ»;

тўртинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

48) **90-модда:**

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги»;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

49) **91-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

50) **92-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

51) **93-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг:

бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

52) 94-модданинг:

бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

йигирма иккинчи — ўттинчи хатбошилари тегишинча **йигирма биринчи — йигирма тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

йигирма **учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«қонунчиликка мувофиқ аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида бошқа турдаги субсидиялар бериш»;

йигирма тўққизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

53) 95-модданинг учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

54) 97-модданинг:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш

ва бандлик вазирлигининг, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

55) **98-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

56) **99-модданинг:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг, Молия вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

57) **103-модданинг:**

иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

58) **104-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

59) **114-модда:**

иккинчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

60) **117-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бошқа давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

61) **121-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

62) **122-модданинг учинчи хатбошидаги** «давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «республика ижро этувчи ҳокимият органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 27 сентябрь,
ЎРҚ–967-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

335 Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида*

Республикамизда барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланганлиги камбағаллик даражасини 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқартиришга имкон яратди. 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача қисқартириш мақсад қилинди.

Худудларда аҳоли турмуш шарт-шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг натижадорлигига эришишда янгича ёндашув ва тўпланган миллий тажрибани қўллаш чора-тадбирларини янада юқори босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Аҳолининг юқори даромадли барқарор иш билан бандлигини таъминлаш, ёшларнинг инновацион ва рақамли технологияларга асосланган таълим олиши ва касб-хунар ўрганиши, барча қатламларнинг тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 2024 йилнинг қолган даврида 500 минг, 2025 йилда 1 миллион нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ҳамда барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгилансин.

2. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг камбағалликни қисқартириш соҳасида эришилган ижобий натижалар ва тўпланган миллий тажриба ҳамда илғор халқаро амалиёт асосида ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга қаратилган «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, Дастур 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидагиларни назарда тутувчи «Камбағал оилалар учун етгита имконият ва масъулият» таъминли асосида амалга оширилади:

барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш — тадбиркорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда ҳар бир маҳаллага етакчи тадбиркорларни жалб қилиш, томорқадан самарали фойдаланиш, ҳар бир

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

туман ва шаҳарда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга туртки берувчи камида 5 тадан «драйвер» лойиҳаларни амалга ошириш, қўшимча 50 минг гектар экин майдонларини камбағал оилаларга ижарага бериш, уларга кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўкон, мотороллер, скутер каби воситаларни бўлиб тўлаш шарти билан бериш;

таълим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш — 2024-2025 йилларда камбағал оилалар фарзандларининг мактабгача таълим билан қамров даражасини 80 фоизга етказиш, оиланинг камида битта фарзандини хорижий тилларга, касб-ҳунарга ёки мутахассисликка ўқитиш, битта фарзанди, хусусан, қиз фарзандининг олий маълумотга эга бўлиши учун шароит яратиш, болаларни компьютер саводхонлигига ўргатиш, ахборот технологиялари ва дастурлаш бўйича ўқув курсларида ўқиши учун шароит яратиш, шу жумладан, мактабларда тўғараклар ташкил этиш;

кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланиш — камбағал оилаларнинг ҳар бир аъзоси бир йилда бир марта тўлиқ тиббий кўрикдан ўтиши, уларнинг ўз соғлиғи учун масъулиятини ошириши (кундалик турмуш тарзи ва овқатланишда зарарли одатлардан воз кечиши), ҳар бир фарзанди спорт тўғаракларига қатнашиши учун имкониятлар яратиш, оиланинг тиббий хизматларга ўз ҳисобидан сарфлайдиган харажатларини икки баробар қисқартириш;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш — ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи омилларни бартараф этиш, хусусан, ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш, болаларни тарбиялаш ва кундузги парваришlash хизматларини йўлга қўйиш;

яшаш шароитларини яхшилаш — ипотека тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, маҳаллаларда экологик тоза материаллар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда замонавий «яшил» тураржойларни қуриш ёки реконструкция қилиш, тоза ичимлик сувни етказиш, хонадонларда энергия тежовчи инновацион ёритиш, иситиш ва иссиқ сув таъминоти ҳамда чиқиндиларни қайта ишлаш тизимларини жорий этиш;

давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш — томорқаларни суғориш суви, маҳаллани электр энергияси ва интернет билан узлуксиз таъминлаш ҳамда унинг туман маркази билан транспорт жиҳатидан боғланганлигини яхшилаш, ички йўлларни таъмирлаш, ҳудудларни жадал комплекс ривожлантириш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш — барча бўғиндаги давлат ҳокимияти органлари камбағал оилалар билан мунтазам тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиши, бирдамликда ҳаракат қилиши ҳамда раҳбарларни камбағал оилаларга бириктириш, уларнинг муаммоларини биргаликда ечишга кўмаклашиш.

3. «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазир-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиги ҳамда унинг ҳудудий органлари Республика ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари этиб белгилансин.

Комиссияга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Дастурнинг ижроси юзасидан республика ва маҳаллий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилган ишларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш;

Дастурда назарда тутилган имкониятларни рўёбга чиқариш юзасидан барча даражадаги идора ва ташкилотларнинг, шунингдек, камбағал оилаларга ва маҳаллаларга бириктирилган раҳбарлар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш;

ҳар ой якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида амалга оширилиши таклиф этилаётган вазифалар юзасидан ахборот киритиб бориш.

4. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) бир ой муддатда ҳар бир вазирлик ва идоранинг ўз функционал вазифасидан келиб чиқиб, Дастурнинг тегишли йўналиши бўйича белгиланган имкониятларни рўёбга чиқариш ва мақсадли кўрсаткичларга эришишга қаратилган «Камбағалликни қисқартириш бўйича соҳавий йўл хариталари»нинг тасдиқланишини таъминласин ҳамда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини назорат қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудлардаги махсус вакиллари (Ғ. Мирзаев, Д. Қодиров, К. Куранбаев, А. Бобоев) ижро органлари ва камбағал оилалар ўртасида мунтазам тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишга масъул этиб белгилансин.

5. Белгилансинки, 2024 йил 1 декабрдан бошлаб «маҳалла еттилиги» томонидан камбағал оилаларнинг ижтимоий шароити ва камбағалликка тушиш сабабларини ўрганиш натижасида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан Камбағал оилалар реестри шакллантирилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги икки ой муддатда аҳолини Камбағал оилалар реестрига киритиш ва чиқаришнинг мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Комиссияга киритсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2025 йил 1 январдан бошлаб:

а) кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам олаётган оилаларнинг расмий банд бўлмаган аъзолари ишга жойлашганда, ўзини ўзи банд қилганда ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйганда ушбу нафақа ва моддий ёрдамни уларнинг муддати тугагунга қадар, бироқ 6 ойдан кўп бўлмаган муддатга тўлаш давом эттирилади;

б) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда ишга жойлашган Камбағал оилалар реестрига киритилган оила аъзоси учун ижтимоий солиқ уч йил давомида 1 фоиз ставкада тўланади;

в) камбағал оилаларга кўмак чоралари ижтимоий шартнома асосида меҳнатга лаёқатли оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш, ўз томорқасидан самарали фойдаланиш (экин экиш), оила аъзолари, шу жумладан,

фарзандларининг билим олиши, касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганиши ҳамда соғлигини назоратга олиши, уй-жойини озода тутиши каби шартлар инобатга олинган ҳолда кўрсатилади.

Бунда ижтимоий шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, ижтимоий ёрдам ва хизматлар (ижтимоий нафақадан ташқари) кўрсатиш тўхтатилади.

7. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда улар даромадини оширишга қаратилган харажатларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ижтимоий шартномани амалиётга жорий этиш тартибини тасдиқлаш учун Комиссияга киритсин;

оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларидан бандликни талаб қилган ҳолда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида 2025 йил учун ишлаб чиқиладиган давлат дастури «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастури, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш дастурлари билан уйғунликда ишлаб чиқилишини таъминласин.

Бунда бир ой муддатда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида маҳаллий ҳокимликлар фаолиятининг натижадорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг масъулияти ва ҳисобдорлигини ошириш билан бирга молиявий, иқтисодий ва маъмурий ваколатлари ҳамда имкониятларини кенгайтиришга қаратилган янгича тизимни назарда тутувчи Фармон лойиҳасини киритсин.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этиш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 сентябрь,
ПФ–143-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**336 Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида
очиқликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 49-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини амалга ошириш учун мақбул шароит ва механизмлар яратиш ҳамда республикада чиқиндиларни бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, соҳадаги хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш тизимини ташкил этиш мақсадида:

1. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ҳамда Адлия вазирлигининг 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳудудларда чиқиндилар билан ишлаш даражасини ошириш ҳамда бу борада очиқликни таъминлаш, жамоатчиликнинг ролини ошириш, тадбиркорлар ва аҳоли ўртасида қайта алоқани тўлиқ йўлга қўйишни назарда тутувчи қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

чиқиндилар билан боғлиқ хизматларни тадбиркорларга бериш юзасидан ўтказиладиган тендер жараёнини онлайн кузатиш имкониятини яратиш;

санитар тозалаш корхоналари томонидан чиқинди тўплаш шохобчаларига видеокузатув камераларини ўрнатиш ва шохобчалар фаолиятини аҳоли томонидан кузатиш имкониятини яратиш;

чиқиндиларни ташиш билан шуғулланувчи барча махсус техникаларга санитар тозалаш корхоналари маблағлари ҳисобидан онлайн кузатув (GPS) тизимини ўрнатиш ҳамда мазкур техникаларни кузатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун ойлик тўловларни марказлашган ҳолда амалга ошириш ва бу орқали чиқиндиларнинг белгиланган график ва муддатларга мувофиқ олиб чиқиб кетилишини кузатиш имкониятини яратиш;

санитар тозалаш корхоналари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва қўлами бўйича шикоятларни қабул қилиш ҳамда санитар тозалаш корхоналари билан қайта алоқа қилиш учун «Call марказ» фаолиятини йўлга қўйиш;

санитар тозалаш корхоналари хизмат кўрсатувчи ҳудудларнинг географик чегараси ҳамда аҳоли ва юридик шахсларга бириктирилган чиқиндиларни йиғиш майдончалари (контейнер) жойлашуви тўғрисида аниқ маълумотлар бериш;

абонентларнинг ҳосил бўлган чиқиндиларини олиб чиқиб кетиш графикни кўрсатиш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ чиқиндилар билан ишлашда:

а) Вазирлик:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ягона

давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва бажарилиши устидан назоратни олиб боради;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қоидалар, нормалар ва нормативларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади ҳамда уларни тасдиқлайди;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида лойиҳа ва лойиҳаолди ҳужжатлар ҳамда техника ва технологияларнинг янги турларини яратиш бўйича ҳужжатларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиши;

чиқиндиларни жойлаштириш лимитларини тасдиқлайди;

чиқиндилар билан боғлиқ ишлар амалга ошириладиган объектларнинг ҳолатини мониторинг қилади;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва технологик ишланмалар ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экологик экспертизасидан ўтказиши;

ресурсларни тежовчи, чиқитсиз ва кам чиқитли технологияларни кенг татбиқ этишга, чиқиндиларни хўжалик айланмасига жалб қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ва технологик ишланмаларни ишлаб чиқади;

чиқиндиларни экологик сертификатлаштиришни амалга оширади;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида мутахассислар малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича ишларни ташкил этади;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширади;

фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини чиқиндиларнинг зарарли таъсирдан муҳофаза этиш чора-тадбирларини белгилайди;

чиқиндилар билан боғлиқ ишлар амалга ошириладиган объектлар бўйича давлат санитария-гигиена экспертизаси хулосасини беради;

чиқиндилардан тайёрланаётган товарларга (маҳсулотларга) нисбатан санитария-гигиена талабларини белгилайди ҳамда уларга доир санитария-эпидемиология хулосасини беради;

радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга ошириш, ҳисобга олиш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлашга доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига асосан назоратни олиб боради;

чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфлилик даражасини белгилашда услубий таъминотни амалга оширади;

в) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги:

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига оқова сувларни ташлаш, оқова сув тозалаш иншоотларига етказиш ва уларни тозалаш ҳамда зарарсизлантириш билан боғлиқ дастурлар, стратегиялар ҳамда концепцияларни ишлаб чиқади;

оқова сувларни чиқариб юбориш тармоғига оқова сувларни ташлаш, оқова сув тозалаш иншоотларига етказиш ва уларни тозалаш ҳамда зарарсизлантиришни таъминлайди;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари юзасидан буюртмачи вазифасини бажаради;

қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича ҳудудларни санитар тозалаш корхоналарига белгиланган тартибда бириктириб беради;

ободонлаштириш объектларида ҳосил бўладиган чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича фаолиятни ташкил этади;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шароит яратиб беради;

ўз ваколатлари доирасида чиқиндилар билан боғлиқ ишлар соҳасида давлат-хусусий шериклик бўйича фаолиятни амалга оширади;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишлар амалга ошириладиган объектларни (чиқиндиларни йиғиш шохобчаларини) тегишли ҳудудга жойлаштириш масалаларини ҳал этади (хавфли чиқиндилар бундан мустасно);

қаттиқ маиший чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишга оид маҳаллий дастурларни тасдиқлайди;

ҳудудни санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

д) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишида иштирок этади;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишлар амалга ошириладиган объектларни тегишли ҳудудда жойлаштириш ва улардан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда иштирок этади;

қаттиқ маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишлар юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

3. Чиқиндилар билан ишлаш масалаларида аҳоли ва санитар тозалаш корхоналари ўртасида боғловчи бўғин сифатида Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази негизида амалдаги штат бирликларини сақлаб қолган ҳолда Вазирлик ҳузурида давлат муассасаси шаклида Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

Бунда Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика марказининг қонунчиликда назарда тутилган ваколатлари, тақдим этилган имтиёз ва преференциялари Агентлик учун амал қилиши белгилаб қўйилсин.

4. Белгилансинки, Агентлик:

2025 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Бунда Агентлик марказий аппарат ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ белгилашда тариф коэффициенти — 1,8 бараварга, унинг ҳудудий бўлинмаларида — 1,4 бараварга оширилган ҳолда қўлланади;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ягона меъёрлар ва стандартларни ишлаб чиқувчи, синовдан ўтказувчи ва амалиётга татбиқ этувчи, ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи ҳамда чиқиндиларни бошқариш соҳасига тааллуқли давлат мулкани бошқарувчи масъул давлат органи ҳисобланади;

қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетганлик учун жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий тўловларни тўлаш ва ҳисобини юриштиш ягона электрон тизимининг узлуксиз фаолиятини таъминлайди;

республикада маиший, қурилиш, суюқ, заҳарли-кимёвий, тиббиёт ва электрон чиқиндиларни бошқариш соҳасини такомиллаштириш, шунингдек, уларни қайта ишлаш ва утилизация қилишнинг замонавий усулларини татбиқ қилиш ҳамда «ноль чиқинди» тамойилини жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

республикада чиқиндиларни саралаш, қайта ишлаш натижасида энергия ресурслари, хомашё ва материалларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва татбиқ этилишини ташкил этади;

чиқиндиларни тўплаш, саралаш, зарарсизлантириш, қайта ишлаш, ёқиш, утилизация қилиш ва уларни йўқ қилиш бўйича чиқинди полигонлари ҳудудида экосаноат зоналарини ташкил этиш чораларини кўради;

чиқиндиларни бошқариш соҳасига халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредит ва грантлари, хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестиция маблағларини жалб қилади, лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва лойиҳалар амалга оширилишини ташкил этади;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ва уларни жойлаштириш хизматлари учун ишлаб чиқилган тарифларнинг асослантилганлигини ўрганади;

чиқиндиларни бошқариш соҳасида вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

чиқиндилар ҳосил бўлишининг нормативларини белгилашда ҳамда чиқиндиларни жойлаштириш объектларини ташкил этишда иштирок этади;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича санитар тозалаш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилади, улар фаолиятидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўради ҳамда улар фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаб боради.

5. Қўйидагилар:

2025 йил 1 мартдан бошлаб санитар тозалаш корхоналари фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш мезонлари 1-иловага* мувофиқ;

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хузуридаги Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги тизимига ўтказилаётган ташкилотлар фаолиятини ташкил қилиш жадвали 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

каттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий тўловлар аҳоли ва юридик шахслар томонидан тўлов ҳисобланган даврдан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар Агентликнинг махсус транзит банк ҳисобварақларига тўланади ва унинг махсус банк ҳисобварағида жамланади;

Агентликнинг махсус транзит банк ҳисобварағида жамланган маблағлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади ва тўлов топшириқномаларисиз тегишли ташкилотлар ҳисобварақларига автоматик тарзда ўтказилади;

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилотларга Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази ва бошқа ташкилотлардан ўтказилаётган кўчмас мулк объектларига ва бошқа мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар тегишли йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирилмаган ҳолда қайта расмийлаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 26 сентябрь,
ПФ–149-сон

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**337 «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга
ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги «Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида»ги ПФ–143-сон Фармонининг ижросини самарали таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

«Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар режаси 1-иловага** мувофиқ;

2024-2025 йилларда аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг йўналишлар ва ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари 2 ва 3-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов):

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг таклифига асосан энг оғир аҳволдаги 1 000 та маҳаллани танлаб, рўйхатини шакллантирсин ҳамда уларнинг инфратузилмасини яхшилаш дастурини 1 ноябрга қадар тасдиқласин. Бунда 2024-2025 йилларда мазкур маҳаллаларда томорқа ерларини суғоришни яхшилаш ёки уларда электр энергияси барқарор етказиб берилишини таъминлаш, интернет сифатини ошириш, ички йўллارни таъмирлаш ва бошқа инфратузилмани яхшилаш мақсадлари учун жами 3,2 триллион сўм маблағлар ажратилади;

2024 йил 1 декабрга қадар тадбиркорлик фаолияти ҳамда аҳолининг барча қатламларига яшаш ва дам олиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 2024-2025 йилларда 4-иловага** мувофиқ туман ва шаҳарларни жадал комплекс ривожлантириш, шу жумладан, уларда камида биттадан маҳаллада «яшил маҳалла» лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи дастурларни тасдиқласин. Бунда мазкур туман ва шаҳарларда юқори иқтисодий ўсишга туртки берувчи ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари учун Давлат бюджетидан 2024 йилда 500 миллиард сўм ва 2025 йилда 1 триллион сўм маблағлар ажратилсин;

ўн кун муддатда ҳар бир туман ва шаҳарнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорликнинг ривожланишига туртки берувчи 5 тадан «драйвер» лойиҳалар рўйхатини тасдиқласин ва уларга зарур инфратузилмани яратиш учун Давлат бюджетидан 2024-2025 йилларда 1 триллион сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 24 сентябрда эълон қилинган.

** 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартиришлар киритсин ҳамда 2025 йил учун Давлат бюджети қонуни лойиҳасида зарур маблағларни назарда тутсин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Марказий банк ва тижорат банклари ҳамда маҳаллий ҳоқимликлар билан биргаликда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар (кейинги ўринларда — камбағал оилалар) аъзоларининг бандлигини таъминлаган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун:

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, «Бизнесга биринчи қадам» дастурлари ҳамда микромолия ташкилотлари орқали жорий йил якунигача 4 триллион сўм, 2025 йилда 15 триллион сўм кредитлар ажратилишини таъминласин;

ўн кун муддатда субсидиялар турларини мақбуллаштириш ва мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳажмини камайтирмаган ҳолда камбағал оилаларга фоизсиз ссуда ажратиш тартиби бўйича таклифларни киритсин;

тадбиркорлар билан учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш, молиявий қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлигини таъминлаш ҳамда кредитлаш ҳажмини ошириб бориш, ташаббускорларга бўш ер майдонларини аукцион орқали сотиш чораларини кўрсин, тадбиркорларнинг инфратузилма билан боғлиқ муаммоларини ҳал этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, маҳаллаларда камбағал оилани аниқлаш, уни Камбағал оилалар реестрига киритиш, камбағалликдан чиқаришга қаратилган чораларни кўриш, реестрдан чиқариш жараёнлари «маҳалла еттилиги» томонидан ҳамкорлик асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

камбағал оилалар ягона саволнома асосида баҳоланади ва уларнинг ижтимоий портрети шакллантирилади;

ижтимоий ходим ва ҳоким ёрдамчиси томонидан ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, уй-жой, бандлик, таълим, хулқ-атвор йўналишларини қамраб олувчи оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқилади;

камбағал оилаларга — даромадли меҳнат фаолияти билан банд қилиш ва тадбиркорликка жалб қилиш йўналишида ҳоким ёрдамчиси, ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва таълим йўналишларида — ижтимоий ходим ҳамроҳлик қилади;

оилаларни камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режанинг самардорлиги ва натижадорлиги мониторинг қилиб борилади.

5. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси (К. Куранбаев) икки ҳафта муддатда маҳалла раислари, маҳалла фаоллари ва нуронийлари ҳамда кўчабошиларнинг Дастурда белгиланган ҳар бир йўналиш бўйича чуқур ўқитилишини таъминласин.

Бунда маҳалла раислари, маҳалла фаоллари ва нурунийлари ҳамда кўча-бошилар ҳар куни кўчама-кўча юриб, ҳар бир хонадон ва оилада:

томорқага экин экиш, уй-жойида шинам ва файзли мухит яратиш, то-заликни сақлаш, тўғри овқатланиш, пиёда юриш, зарарли одатлардан воз кечиш бўйича фаол тарғибот ва ташвиқот олиб борсин;

фарзандларида болаликдан бошлаб китобхонликка меҳр уйғотиш, уларни хорижий тиллар, касб-хунар ва санъатга ўргатиш, аёли ва қизининг ўқиши ва ишлаши учун шароит яратиш — муҳим ҳаётий вазифа, деган қарашни шакллантирсин;

ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, уларга ҳалол меҳнат, доимий изланиш ва шижоат орқали эришишга интилиб яшашни кундалик ҳаёт тарзига айлан-тиришга кўмаклашсин;

ўз оиласи ва маҳалласининг тинчлиги ва фаровонлиги учун куйиниш, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, ҳаётимиздаги ўзгариш ва ян-гиланишларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш бўйича мунтазам таъсирчан иш олиб борсин;

маҳаллаларга бириктирилган тижорат банклари ва бошқа масъуллардан маҳалладаги вазифаларининг тўлиқ бажарилишини талаб қилсин, шунинг-дек, камбағал оилаларнинг ижтимоий шартномадаги ўз мажбуриятларига масъулият билан амал қилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатсин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 2024-2025 йилларда пахта-ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига «компания — кооператив — деҳқон хўжалиги» тамойили асосида деҳқончилик ва боғдорчилик ташкил этиш учун 50 минг гектар ер майдони камбағал оилаларга 30 йилгача ижарага бериш бўйича қарор лойиҳасини киритсин. Бунда:

ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдо-ларини «маҳалла еттилиги»нинг тавсияси билан камбағал оилалар ўртасида ўтказиш;

ер майдонларини ижарага бериш бўйича электрон онлайн аукцион савдо-лари ғолибларига ер участкаси нархини 10 йил муддатга тенг улушларда фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилиши кўзда тутилсин.

7. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 июндаги «Ёшларни хорижий тилларга ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–239-сон қароридан келиб чиқиб умумтаълим мактабларининг бўш турган ер ва бино-иншоотларида хорижий тиллар, касб-хунарга ўқитиш ва ахборот технологиялари ва дастурлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда мактабгача таълим билан қамров даражасини 2025 йил якунигача 80 фоизга етказиш бўйича дастурни икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Спорт вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар ҳар бир

умумтаълим мактабида, «Баркамол авлод» болалар мактабларида, шу жумладан, хусусий секторни жалб қилган ҳолда мактабдан ташқари таълим ва спорт тўғарақлари ташкил этилишини таъминласин;

икки ой муддатда хусусий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилишини молиявий рағбатлантириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Умумтаълим мактабларида тўғарақларни ташкил этиш ва уларга камбағал оилаларнинг фарзандларини жалб қилиш мақсадида 2025 йил учун маҳаллий бюджет параметрларини шакллантиришда 500 миллиард сўм маблағ назарда тутилсин.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 ноябрга қадар олий таълим муассасаларига давлат гранти бўйича қабул квотасини босқичма-босқич ошириш ҳамда камбағал оилаларнинг билимли ва иқтидорли фарзандлари таълим олишлари учун имкониятларни кенгайтиришни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Белгилансинки:

2025 йил 1 январдан бошлаб камбағал оилалар фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига имтиёзли асосда қабул қилинади;

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, камбағал оилалар фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари талабалар турар жойларидаги яшаш харажатлари Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади;

2025 йилдан бошлаб «Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан камбағал оилаларнинг фарзандлари учун алоҳида квоталар ажратилади.

10. АТ «Халқ банки», «Микрокредитбанк» АТБ бириктирилган раҳбарларнинг хулосаси асосида:

камбағал оилаларга ноутбук сотиб олиш учун 5 йил муддатга 2 йил имтиёзли давр билан гаровсиз ва фоизсиз қарз ажратсин;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун қиймати 30 млн сўмгача бўлган кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар (food truck), мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни сотиб олиш учун 5 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан гаровсиз ва фоизсиз қарз ажратсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тижорат банкларига Давлат бюджети ҳисобидан зарур маблағларни ажратсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси 2025 йил учун уй-жой ва ипотека бозорини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган субсидиялар сонини 1,2 бараварга оширишни назарда тутсин.

12. Дастурни амалга ошириш доирасида 2024-2025 йилларда тажриба тариқасида оғир аҳволдаги оилаларни камбағалликдан чиқариш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи янги тартиб тажриба тариқасида жорий этилсин:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ташкилотларининг 14 мингта раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг ҳар бирига ҳар 6 ойда 5 тадан энг оғир аҳволдаги камбағал оилалар бириктирилади. Бунда бириктирилган масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

оилаларнинг камбағаллик ҳолатига тушиш сабабларини ўрганиб, «маҳалла еттилиги» томонидан оилани камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режа ишлаб чиқилишини таъминлайди;

«маҳалла еттилиги», тижорат банклари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда етакчи тадбиркорларни жалб қилган ҳолда оилаларнинг ўз томорқаси имкониятларидан самарали фойдаланишига, иштиёқи бор шахсларнинг ўзини ўзи банд қилишига ва тадбиркорликни йўлга қўйишига ҳамда оила аъзоларининг, аёлларнинг касб-хунар ва хорижий тилни ўрганишига, уларга бўш иш ўринларини топишга ва ишга жойлашишига кўмаклашади;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кичик ишлаб чиқариш ускуналари, кўчма дўконлар, мотороллер, скутер ва шу каби бошқа асосий воситаларни фойдаланишга қарз ҳисобидан олиб беради;

камбағал оилалар фарзандларини мактабгача таълим ташкилотига жойлаштиришга кўмаклашади, болаларнинг таълим муассасаларига, қўшимча дарслар ва тўғарақларга қатнашишини назоратга олади ҳамда фойдаланишга қарз асосида олиб берилган ноутбукдан самарали фойдаланишига шарт-шароит яратиб беради, ҳар бир оиллага ҳомийлик асосида дарс столи ва стули, спорт кийимларини олишга ёрдам беради;

оиланинг давлат томонидан тақдим этиладиган тиббий хизматлардан тўлиқ фойдаланишини, хусусан, аёллар ва болаларнинг тизимли равишда скрининг текширувидан ўтказилишини таъминлайди, хонадон санитария ҳолатини яхшилашга, кундалик турмуш тарзи ва овқатланишда зарарли одатлардан воз кечишга, ёшидан қатъий назар ҳар бир оила аъзосининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга, қарияларни пиёда юришга ундайди;

оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи омилларни бартараф этиш учун ижтимоий ходим билан биргаликда зарур ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилишини таъминлайди;

ҳар ойда икки марта ўзига бириктирилган оилалар билан учрашиб, камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал режада белгиланган чоралар амалга оширилишини таҳлил қилади, юзага келган муаммоларни аниқлайди ҳамда уларни жойида бартараф этиш чораларини кўриб боради;

б) 2024-2025 йилларда республика даражасидаги давлат идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари энг оғир аҳволдаги 1 000 та маҳаллага бириктирилади. Бунда маҳаллага бириктириладиган масъуллар қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш, маҳалланинг иқтисодий ривожланишига туртки берадиган захира ва имкониятларни ишга солишга кўмаклашади, томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этади;

электр энергияси таъминотини яхшилаш, маҳаллани туман маркази билан боғлаш, шу жумладан, автобус ва таксилар фаолиятини йўлга қўйиш ва ички йўллари таъмирлаш, асосий кўчаларни шағаллаштириш ва энергия тежамкор ёриткичлар ўрнатиш, тоза ичимлик сув билан таъминлаш чораларини кўради;

интернет тезлиги ва сифатини оширишга ҳамда мактаблар билан бирга-

ликда камбағал оилаларнинг аъзолари учун ахборот технологиялари тўғаракларини ташкил этишга кўмаклашади;

маҳаллани ташаббусли бюджет жараёнларига фаол жалб қилиш ҳамда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш лойиҳалари ишлаб чиқилишида амалий ёрдам беради;

маҳаллада ёки унинг яқинида жойлашган таълим муассасаси (умумтаълим мактаби, касб-хунар мактаби, мусиқа ва санъат ёки спорт мактаби) база-сида қўшимча дарслар, хорижий тил ва компьютер курслари, спорт тўғараклари ташкил этилишини назорат қилади;

ёшларга, хусусан, 9-синф битирувчиларининг таълим олишга ва касб-хунар ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш ва уларни йўналтириш, олий ва профессионал таълим муассасаларида таҳсил олиш орқали келажакда яшаш тарзини яхшилаш имкониятлари ҳақида тушунчалар беради;

маҳалла ҳудудида жойлашган мактабгача таълим ва мактаб ҳожатхоналари таъмирланишини назоратга олади;

хар ойда бир марта ўзига бириктирилган маҳаллаларга бориб, чора-тадбирларда белгиланган вазифалар амалга оширилишини таҳлил қилиб, юзага келган муаммоларни аниқлайди ва уларни жойида бартараф этиш чораларини кўради;

в) камбағал оилалар ва маҳаллаларга бириктирилган раҳбарларга зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида тегишли ташкилотнинг фойдаси ва бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда кўмак кўрсатиш фақат камбағал оилалар ўз даромадини ошириши, фарзандларининг таълим олиши ва оила аъзоларининг соғлиғини тиклаши ва яшаш шароитини яхшилаши билан боғлиқ бошқа мажбуриятларни бажарган тақдирда амалга оширилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан камбағал оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тақиқланади.

13. Белгилансинки, 2025 йил 1 апрелдан бошлаб:

Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида эксперимент тариқасида аутсорсинг асосида Камбағал оилалар реестрига киритилган боқувчисини йўқотган тўлиқ бўлмаган оилалар, меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган оилалар, икки ва ундан ортиқ ногирон аъзолари мавжуд оилалардаги ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати кўрсатилади;

ижтимоий етимликнинг олдини олиш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга индивидуал ёндашув асосида оилага яқин муҳитда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда тарбиялаш хизматини кўрсатиш мақсадида маҳаллаларда оила шаклидаги кичик ҳажмли болалар уйлари ташкил этилади. Бунда дастлабки босқичда мазкур тадбирлар Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2024 йилда Тошкент шаҳрида амалга оширилади;

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларга алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг кундузги парвариш хизматларини ҳамда юридик шахсларга ногиронлиги бўлган болалар, шу

жумладан, алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун кундузги парвариш хизматларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида кўрсатишга рухсат берилади.

14. Жамоат ишлари жамғармаси, Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси негизида юридик шахс мақомига эга бўлган Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг васийлик кенгаши таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Жамғарма васийлик кенгаши Жамғарманинг олий бошқарув органи, 22 та штат бирлигидан иборат Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси эса унинг ижро органи ҳисобланади.

15. Вазирлар Маҳкамаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, вазирлик ва идораларнинг штат бирликларига киритилаётган ўзгартиришлар 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

16. Белгилансинки, ҳудудларда Дастур ижросини таъминлашга қуйидаги масъуллар билан бирга туман ва шаҳар ҳокимлари шахсан масъул ва жавобгар бўлади:

оилаларга давлат томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ўз вақтида ва сифатли тақдим этилишига, маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга — «маҳалла еттилиги»;

барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришишга — Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, тижорат банклари;

таълим олиш ва касб-хунар ўрганишга — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Спорт вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

кафолатланган давлат тиббий хизматидан фойдаланишга — Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Спорт вазирлиги;

ижтимоий хизматдан фойдаланишга — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги;

яшаш шароитларини яхшилашга — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси;

давлат томонидан маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга — Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси, «Худудий электр тармоқлари» АЖ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси.

Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) бир ҳафта муддатда мазкур бандда

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

назарда тутилган вазирлик ва идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида бир нафар раҳбар ўринбосарини Дастурнинг ижросига бевосита масъул этиб белгиласин.

17. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Бош прокуратура (И. Адҳамов) Ижтимоий инспекция билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини мунтазам равишда назорат қилиб борсин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директори М.П. Оллоёров белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 сентябрь,
ПҚ–330-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**338** Ўзбекистон Республикасида тиббий ва соғломлаштириш туризмини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда тиббий ва соғломлаштириш туризми имкониятларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, тиббий туризм кластерлари ва меҳмонхона типигаги замонавий санаторийлар фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу фаолият турлари билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги «Республикага хорижий туристлар оқимини кескин ошириш ҳамда ички туризмни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–9-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси (кейинги ўринларда — Туризм қўмитаси), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг:

«Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги» («Medical service hospitality») дастурини амалга ошириш;

давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда санаторий ва пансионатлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини мониторинг қилиш тизимини жорий қилиш;

консалтинг — диагностика — даволаш — туроператор — транспорт — тиббий таржимон хизматларини биргаликда кўрсатадиган тиббий туризм кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш;

«Авиценна» номи остида Ўзбекистон Республикасининг тиббий ва соғломлаштириш туризми брендини ишлаб чиқиш ва уни доимий равишда тарғиб қилиб бориш;

тоифали (юлдузли) меҳмонхоналар типигаги санаторийлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни сертификатлаштириш тизимини жорий қилиш;

тоғли, шифобахш балчиқ қатламлари бор ҳамда шифобахш сувлар қаторига киритилган ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик сув (термал сув) объектлари мавжуд бўлган ҳудудларда санаторий-курорт зоналарини ташкил қилиш;

2025 йил 1 апрелга қадар интернет тармоғи орқали яшовчиларни ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган махсус электрон дастури (E-mehton) га уланган хусусий тиббиёт ва соғломлаштириш муассасаларини дастлабки олти ойлик абонент тўловини тўлашдан озод қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 сентябрда эълон қилинган.

Тиббий ва соғломлаштириш туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага* мувофиқ;

Замонавий талаблар асосида санаторий-курорт зоналарини ташкил қилиш режалаштирилган туман ва шаҳарлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

2025-2026 йилларда Андижон, Наманган, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида замонавий талаблар асосида санаторий-курорт зоналарини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурлари 2а — 2ж-иловаларга* мувофиқ;

Тиббиёт ва соғломлаштириш муассасаларининг шифокорлари томонидан бепул тиббий диагностика хизматларини ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлари қоплаб бериладиган хорижий мамлакатлар рўйхати (кейинги ўринларда — хорижий мамлакатлар) 3-иловага* мувофиқ;

2024 — 2027 йилларда тиббий ва соғломлаштириш туризмини янада ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Андижон, Наманган, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари Туризм қўмитаси ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 2-иловасида белгиланган санаторий-курорт зоналарига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўрсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Халқаро қўшма комиссиядан (Joint Commission International) аккредитациядан ўтган дастлабки 30 та хусусий тиббиёт муассасасининг аккредитациядан ўтиш харажатларининг 50 фоизи Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Бунда имтиёздан фойдаланган хусусий тиббиёт муассасаси билан аффилиланган шахсларга мазкур имтиёз тақдим этилмайди;

шифобахш сувлар қаторига киритилган ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик сув (термал сув) объектларидан тиббиёт муассасалари, санаторий ва пансионатлар тенг ва умумий тартибда фойдаланади.

5. Туризм қўмитасига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг чегара божхона постлари ҳудудида ўз маблағлари ҳисобидан хорижий фуқаролар учун республикадаги тиббиёт, соғломлаштириш муассасалари имкониятлари тўғрисида тарғибот кампанияларини ташкил қилиш;

давлат тили ва хорижий тилларда тиббиёт ҳамда соғломлаштириш муассасаларининг ягона реестрини шакллантириш ва уни доимий равишда янгилаб бориш;

тоифали (юлдузли) меҳмонхоналар типигаги санаторийларни сертификатлаштирилишини ташкил қилиш;

махсус тиббий ва соғломлаштириш туризми йўналишлари (маршрутлари)ни ишлаб чиқиш.

6. Туризм қўмитаси 2025 йил 1 мартга қадар:

тиббиёт муассасалари, санаторийлар ва тиббий туризм йўналишида хиз-

* 1 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мат кўрсатувчи туроператорларнинг хизматлари сифати баҳолаб борилишини назарда тутувчи рейтингни (кейинги ўринларда — рейтинг) шакллантириш учун электрон платформа;

давлат тили ва хорижий тилларда тиббиёт ҳамда соғломлаштириш муассасаларининг ягона реестри (кейинги ўринларда — Ягона реестр) ишга туширилишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

а) 2025 йил 1 январдан бошлаб:

2028 йил 1 январга қадар Ягона реестрга киритилган тиббиёт ва соғломлаштириш муассасаларининг халқаро туризм ярмаркалари ва кўргазмаларда ўз хизматлари ҳамда маҳсулотлари билан иштирок этиш харажатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

2027 йил 1 январга қадар тиббиёт ва соғломлаштириш муассасаларининг шифокорлари томонидан хорижий мамлакатларда бепул тиббий диагностика хизматларини ташкил қилиш билан боғлиқ транспорт ва яшаш харажатлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қоплаб берилади;

б) хорижий мамлакатларда бепул тиббий диагностика хизматларини ташкил қиладиган тиббиёт ва соғломлаштириш муассасаларининг шифокорлари рўйхати Ягона реестрга киритилган муассасалар орасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Туризм қўмитаси билан биргаликда шакллантирилади;

в) Ягона реестрга киритилган тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари, рейтингда 70 ва ундан юқори балл олган тиббиёт муассасалари, санаторий ва туроператорлар хизматлари ҳамда маҳсулотларини хорижий мамлакатларда тарғиб қилиш учун босма ва видео маҳсулотларни тайёрлаш Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

г) электрон платформа ҳамда Ягона реестр Туризм қўмитаси буюртмаси асосида ишлаб чиқилади ва Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Туризм қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг тиббий ва соғломлаштириш туризми имкониятларини тарғиб қилиш соҳасидаги ваколатли орган этиб белгилансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда бўш турган давлат мулки объектлари ва собиқ тиббиёт муассасаларининг ишламаётган бинolari негизда тиббиёт клиникалари фаолиятини ташкил қилиш мақсадида хатлов ўтказсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 сентябрь,
ПҚ–335-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****339 Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидалари-
га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 августдаги 361-сон «Фавқулодда вазият рўй бериш хавфи ёки фавқулодда вазият рўй берганлиги ҳақида хабар беришнинг автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2024 йил 13 январдаги 26-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2018 йил 7 июндаги 342-сон буйруғи (рўйхат рақами 3039, 2018 йил 16 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.07.2018 й., 10/18/3039/1523-сон) билан тасдиқланган Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Миллий гвардия билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Ш. ХАМРАЕВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 4 сентябрь,
01/21-3173-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 27 сентябрда эълон қилинган.

Келишилди:

*Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазири*

А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 20 август

Фавқулодда вазиятлар вазири

А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 17 август

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

2024 йил 22 август

*Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазири в. б.*

С. ХИДОЯТОВ

2024 йил 24 август

Миллий гвардия қўмондони

Р. ЖУРАЕВ

2024 йил 13 август

Ўзбекистон Республикаси
сув хўжалиги вазирининг 2024 йил
4 сентябрдаги 01/21-3173-сон буйруғига
ИЛОВА

Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банднинг иккинчи — олтинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**ГТИ** — сув омборлари тўғонлари, дарёлар, сойлар, каналлар ва коллекторлардаги тўғонлар, дарёларнинг ўзанларини тўсувчи иншоотлар, сув олиш, сув ўтказиш, сув ташлаш ҳамда қирғоқларни химоя қилиш иншоотлари, гидроэлектростанциялар, насос станциялари;

фойдаланувчи ташкилот — балансида ГТИ мавжуд бўлган ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот;

табiiй ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазият (бундан буён матнда фавқулодда вазият деб юритилади) — муайян ҳудудда одамлар қурбон бўлишига, одамларнинг соғлиғига ёки атроф табiiй муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотларга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавfli табiiй ҳодиса, табiiй офат ёхуд бошқа офат натижасида, карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши натижасида юзага келган вазиятлар;

ГТИнинг хавфсизлиги — ГТИнинг фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва қонуний манфаатлари, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулки, атроф-муҳит ва хўжалик объектлари химоя қилинишини таъминлаш имконини берувчи ҳолати;

ГТИнинг хавфсизлиги мезонлари — ГТИ ҳолатининг ва улардан фойдаланиш шартларининг ГТИ аварияси хавфининг йўл қўйиладиган даражасига мувофиқ бўлган миқдор ва сифат кўрсаткичларининг чекланган қиймати.».

2. 3-банд «ГТИларнинг» деган сўздан кейин «давлат» деган сўз билан тўлдирилсин.

3. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўриқланадиган объектларда ГТИнинг қўриқланишини шартнома асосида таъминлайди.».

4. 37-банднинг ўн олтинчи хатбошиси «ГТИнинг» деган сўздан кейин «давлат» деган сўз билан тўлдирилсин.

5. 94-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«94. ГТИдаги алоқа ва огоҳлантириш сигнал тизимларининг ҳолати барча шароитларда фавқулодда вазиятлар тўғрисида тезкор хабар бериш ҳамда фуқаро муҳофазаси тадбирларини ўтказиш даврида фуқаро муҳофазаси органлари ва кучларини хабардор этиш имкониятини таъминлаши керак.».

6. 2-иловининг матнидаги «Давсувхўжаликназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар «Сувхўжаликназорат» инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**340** “Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturlar va ma’lumotlar bazasini rasmiy ro‘yxatdan o‘tkazish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
25-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3436-1*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 31-avgustdagi 536-son “Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturlarni va ma’lumotlar bazalarini rasmiy ro‘yxatdan o‘tkazish bo‘yicha davlat xizmatini ko‘rsatishning ma’muriy reglamentini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 29-maydagi 7-mh-son “Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturlar va ma’lumotlar bazasini rasmiy ro‘yxatdan o‘tkazish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 3436, 2023-yil 30-may) (Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 01.06.2023-y., 10/23/3436/0306-son) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2024-yil 24-sentabr,
26-mh-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 27-sentabrda e‘lon qilingan.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**341** Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
25-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3555*

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son “Vazirliklar va idoralar me‘yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalariga (ro‘yxat raqami 2565, 2014-yil 28-fevral) muvofiq **buyuraman:**

1. Quyidagilar:

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonunining 8-moddasiga asosan davlat hokimiyati va boshqaruv organlarining hujjatlari davlat tilida qabul qilinishi va e‘lon etilishi kerakligi;

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son qarori bilan tasdiqlangan Vazirliklar va idoralar tomonidan qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarni huquqiy ekspertizadan va davlat ro‘yxatidan o‘tkazish to‘g‘risidagi nizomga asosan Adliya vazirligiga vazirlik va idoralarning qonunchilikka nomuvofiq bo‘lgan normativ-huquqiy hujjatlarini Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar davlat reyestridan chiqarishga haqli ekanligi belgilanganligi ma‘lumot uchun qabul qilinsin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan ilovaga muvofiq chiqarilsin.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Vazir

Toshkent sh.,
2024-yil 24-sentabr,
25-mh-son

A. TASHKULOV

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 27-sentabrda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2024-yil 24-sentabrdagi
25-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan
chiqarilayotgan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va Sog'liqni saqlash vazirligi tomonidan 1999-yil 26-yanvarda tasdiqlangan Statsionar davolash-profilaktika muassasalarida budjet mablag'lari hisobiga sotib olinadigan dori vositalari va tibbiy mahsulotlarni berish, hisobga olish va ulardan foydalanish ustidan nazorat qilish tartibi (ro'yxat raqami 639, 1999-yil 18-fevral).

2. O'zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligining 2003-yil 23-iyundagi 39-son "Kinologiya xizmati xodimlari uchun maxsus kiyim, maxsus poyabzal va boshqa yakka tartibda himoyalani vositalarini bepul berishning namunaviy me'yorlarini tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1254, 2003-yil 3-iyul) (O'zbekiston Respublikasi vazirliklari, davlat qo'mitalari va idoralarining me'yoriy hujjatlari axborotnomasi, 2003-yil., 13-14-son).

3. O'zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2004-yil 28-yanvardagi 23-son "Tavakkalchilikka asoslangan o'yin avtomatlari zalini tashkil qilish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1313, 2004-yil 17-fevral) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2004-y., 7-son, 91-modda).

4. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2005-yil 25-fevraldagi 59-son "Mahsulotlarni sertifikatlash qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1458, 2005-yil 18-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2005-y., 10-11-son, 86-modda).

5. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2015-yil 3-martdagi 88-son "Mahsulotlarni sertifikatlash qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1458-1, 2015-yil 27-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 12-son, 147-modda).

6. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2016-yil 1-iyundagi 316-son "Mahsulotlarni sertifikatlash qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1458-2, 2016-yil 1-iyul) (O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 26-son, 323-modda).

7. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2017-yil 23-noyabrdagi 571-son "Mahsulotlarni sertifikatlash qoidalariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1458-3, 2017-yil 7-dekabr) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 07.12.2017-y., 10/17/1458-3/0390-son).

8. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2018-yil 29-maydagi 190-son “Mahsulotlarni sertifikatlash qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1458-4, 2018-yil 13-iyun) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 14.06.2018-y., 10/18/1458-4/1347-son).

9. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2020-yil 22-yanvardagi 4-son “Mahsulotlarni sertifikatlash qoidalariga qo‘shimcha va o‘zgartirishlar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1458-5, 2020-yil 5-fevral) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 05.02.2020-y., 10/20/1458-5/0129-son).

10. O‘zbekiston Respublikasi investitsiyalar, sanoat va savdo vazirining 2023-yil 27-apreldagi 2023/92-1-son “Mahsulotlarni sertifikatlash qoidalariga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1458-6, 2023-yil 15-may) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 17.05.2023-y., 10/23/1458-6/0280-son).

11. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2005-yil 4-martdagi 83-son “Mahsulotning xavfsizlik talablariga muvofiqligini deklaratsiyalash tartibi to‘g‘risida nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1465, 2005-yil 6-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2005-y., 14-son, 107-modda).

12. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2015-yil 3-martdagi 86-son “Mahsulotning xavfsizlik talablariga muvofiqligini deklaratsiyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1465-1, 2015-yil 27-mart) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2015-y., 12-son, 149-modda).

13. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2016-yil 25-fevraldagi 98-son “Mahsulotning xavfsizlik talablariga muvofiqligini deklaratsiyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1465-2, 2016-yil 18-mart) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 11-son, 108-modda).

14. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2017-yil 31-iyuldagi 451-son “Mahsulotning xavfsizlik talablariga muvofiqligini deklaratsiyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1465-3, 2017-yil 4-sentabr) (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2017-y., 36-son, 966-modda).

15. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2018-yil 8-yanvardagi 4-son “Mahsulotning xavfsizlik talablariga muvofiqligini deklaratsiyalash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirish kiritish haqida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1465-4, 2018-yil 8-fevral) (Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi, 09.02.2018-y., 10/18/1465-4/0674-son).

16. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2005-yil 7-sentabrdagi 340-son “Majburiy tartibda sertifikatlanadigan bir turdagi mahsulotlarning alohida turlarini sertifikatlash

qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1513, 2005-yil 28-sentabr) O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2005-y., 39-son, 299-modda; 2008-y., 39-son, 404-modda).

17. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2008-yil 3-sentabrdagi 352-son "Majburiy tartibda sertifikatlanadigan bir turdagi mahsulotlarning alohida turlarini sertifikatlash qoidalariga qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1513-1, 2008-yil 26-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2008-y., 39-son, 404-modda).

18. O'zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi bosh direktorining 2015-yil 3-martdagi 89-son "Majburiy tartibda sertifikatlanadigan bir turdagi mahsulotlarning alohida turlarini sertifikatlash qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1513-2, 2015-yil 27-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 12-son, 150-modda).

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGINING
QARORI

342 Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
26-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2472-3*

O‘zbekiston Respublikasining “Yo‘l harakati to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 24-maydagi PQ–162-son “Raqamli xizmatlar qamrovi va sifatini oshirish hamda soha, tarmoq va hududlarni raqamli transformatsiya qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 20-iyuldagi 393-son “Avtomototransport vositalari haydovchilarini tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish hamda ularni imtihondan o‘tkazish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar vazirligi **qaror qiladi:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar vazirligining 2013-yil 11-iyundagi 16 va 14-son qarori (ro‘yxat raqami 2472, 2013-yil 27-iyun) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013-y., 26-son, 343-modda) bilan tasdiqlangan Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga ilovaga muvofiq o‘zgartirishlar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Sog‘liqni saqlash vaziri

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 9-sentabr,
29-son

Ichki ishlar vaziri

P. BOBOJONOV

Toshkent sh.,
2024-yil 9-sentabr,
21-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 27-sentabrda e‘lon qilingan.

Kelishilgan:

***Kambag'allikni qisqartirish
va bandlik vaziri***

B. MUSAYEV

2024-yil 5-sentabr

O'zbekiston Respublikasi
Sog'liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar
vazirligining 2024-yil 9-sentabrdagi
29, 21-son qaroriga
ILOVA

Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlar

1. 3-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“3. Haydovchilikka nomzodlar tegishli toifadagi transport vositasini boshqarish huquqini olish uchun majburiy ravishda dastlabki tibbiy ko'rikdan, transport vositalarining haydovchilari esa majburiy ravishda davriy tibbiy ko'rikdan o'tkaziladi.”.
2. 6-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“6. Tibbiy komissiya quyidagi tarkibda tibbiyot tashkiloti rahbariyatining buyrug'iga asosan tashkil etiladi:
terapevt;
narkolog;
psixiatr;
kardiolog;
travmatolog-ortoped;
jarroh;
nevropatolog;
oftalmolog;
kotib.”.
3. 9-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“9. Tibbiy ko'rikdan o'tgan shaxslarga mazkur Nizomning ilovasiga muvofiq 083/h shakldagi elektron tibbiy ma'lumotnoma (bundan buyon matnda 083/h shakldagi tibbiy ma'lumotnoma deb yuritiladi) beriladi va ushbu tibbiy ma'lumotnomada tibbiy ko'rik natijalari ko'rsatib o'tiladi. Bunda, 083/h shakldagi tibbiy ma'lumotnoma O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali yuklab olinadi.”.
4. 13-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:
“13. Tibbiy ko'rikdan o'tayotgan shaxslar flyuorografik tekshiruvdan, RW qon tekshiruvdan va O'zbekiston Respublikasining “Yo'l harakati to'g'risida”gi

Qonuni bilan tasdiqlangan Transport vositalarini boshqarishga doir tibbiy qarshi ko'rsatmalar ro'yxati (bundan buyon matnda Tibbiy qarshi ko'rsatmalar deb yuritiladi) bo'yicha quyidagi mutaxassislar ko'rigidan o'tishlari shart:

terapevt;
narkolog;
psixiatr;
kardiolog;
travmatolog-ortoped;
jarroh;
nevropatolog;
oftalmolog.

Tibbiy ko'rikdan o'tayotgan 55 va undan ortiq yoshdagi shaxslar EKG tekshiruvidan ham o'tishlari shart.

O'tgan bir yil mobaynida flyuorografik tekshiruvidan o'tgan shaxslar qo'shimcha ravishda flyuorografik tekshiruvidan o'tishlari talab etilmaydi. Bunda oxirgi flyuorografik tekshiruvi natijalari taqdim etilishi lozim.”.

5. 20-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“20. Haydovchilarning transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tibbiy ko'rikdan o'tkazish Tibbiy qarshi ko'rsatmalar ro'yxatiga asosan amalga oshiriladi.”.

6. 22-banddagi “tibbiy moneliklar ro'yxatlariga” degan so'zlar “Tibbiy qarshi ko'rsatmalar ro'yxatiga” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

7. 23-banddagi “tibbiy moneliklar ro'yxatlarining” degan so'zlar “Tibbiy qarshi ko'rsatmalar ro'yxatining” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

8. 24-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“24. 083/h shakldagi tibbiy ma'lumotnoma transport vositasini boshqarishga yaroqlilik to'g'risidagi asosiy tibbiy hujjat bo'lib, tibbiy komissiya raisi tomonidan to'ldiriladi va tasdiqlanadi.

Haydovchi va haydovchilikka nomzodlar tomonidan taqdim qilingan hujjatlar hamda 083/h shakldagi tibbiy ma'lumotnomalar nusxasi O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining ma'lumotlarni saqlash va qayta ishlash markazida (Data center) saqlanadi.”.

9. 25-bandning birinchi xatboshisidagi “Tibbiy moneliklar ro'yxatlarida” degan so'zlar “Tibbiy qarshi ko'rsatmalar ro'yxatida” degan so'zlar bilan almashtirilsin.

10. 28-band quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“28. Transport vositalarini boshqarishga yaroqli deb topilgan shaxslarga 083/h shakldagi tibbiy ma'lumotnoma beriladi. Ma'lumotnomada uning haqiqiy ekanligini tekshirish imkonini beruvchi QR-kod (matrik shtrixli kod) bo'ladi.”.

11. 31-band o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

12. 1-ilova mazkur o'zgartirishlarning ilovasiga muvofiq tahrirda bayon etilsin.

13. 2 va 3-ilovalar o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga kiritilayotgan o'zgartirishlarga
ILOVA

“Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko'rikdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomga
ILOVA

**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI SOG'LIQNI
SAQLASH VAZIRLIGI**

*(O'zbekiston Respublikasi
davlat gerbining tasviri)*

**O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI SOG'LIQNI
SAQLASH VAZIRLIGI**

**Haydovchining (haydovchilikka nomzodning) tibbiy ko'rikdan
o'tkazish natijalari bo'yicha
MA'LUMOTNOMA**

№

Tibbiy muassasa nomi:

(Tibbiy ko'rik o'tkazuvchi tashkilotning nomi)

F.I.O.

(Oluvchining F.I.O.)

JSHSHIR

(Jismoniy shaxsning shaxsiy identifikatsiya raqami)

Pasport yoki ID-karta seriyasi va raqami

(Seriya va raqam)

Tug'ilgan sanasi va yoshi

(kk.oo.yyyy (yosh))

Yashash joyi

(Doimiy ro'yxatdan o'tgan manzili)

Ish joyi

(Tashkilot nomi)

Tibbiy ko'rikdan o'tkazish sanasi

(kk.oo.yyyy)

**Tibbiy ko'rik natijalari bo'yicha
XULOSA***

1. “A” toifadagi transport vositasini boshqarishga
2. “B” toifadagi transport vositasini boshqarishga
3. “C” toifadagi transport vositasini boshqarishga
4. “D” toifadagi transport vositasini boshqarishga
5. “E” toifadagi transport vositasini boshqarishga
6. Tramvay boshqarishga
7. Trolleybus boshqarishga
8. Yollanib ishlashga

9. Alohida belgilar

Ushbu ma'lumotnomaning amal qilish muddati

kk.oo.yyyy gacha.

Komissiya raisi (F.I.O)

Hujjatni imzolagan tibbiy komissiya tarkibi

(F.I.O.)

(Hujjatning
haqiqiyligini
tasdiqlovchi
QR-kod)

(Hujjat
noyob
raqami)

QR-kod skaner qilinganda, ushbu hujjatning nuxsasi O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining rasmiy axborot resursidan ssv.uz domeni orqali generatsiya qilinadi. 083/h shakldagi tibbiy ma'lumotnoma

* Xulosaning 1 — 8-bandlari to'g'risiga yaroqli yoki yaroqsiz degan belgi qo'yiladi."

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI VAZIRINING
BUYRUG'I

343 O'zbekiston Respublikasining hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish va qurish to'g'risidagi shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxlarini aniqlash bo'yicha uslubiy qo'llanmani tasdiqlash haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
27-sentabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3556*

O'zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 12-avgustdagi 497-son "Hududning master rejasini ishlab chiqish, kelishish va tasdiqlash tartibi to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasining hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish va qurish to'g'risidagi shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxlarini aniqlash bo'yicha uslubiy qo'llanma ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir v.b.

Sh. XIDOYATOV

Toshkent sh.,
2024-yil 26-avgust,
1-son

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

2024-yil 21-avgust

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 30-sentabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
qurilish va uy joy kommunal xo'jaligi vazirining
2024-yil 26-avgustdagi 1-son buyrug'iga
ILOVA

**O'zbekiston Respublikasining hududlarini rivojlantirishni
rejalashtirish va qurish to'g'risidagi shaharsozlik hujjatlarini ishlab
chiqish narxlarini aniqlash bo'yicha
USLUBIY QO'LLANMA**

Mazkur Uslubiy qo'llanma (bundan buyon matnda Uslubiy qo'llanma deb yuritiladi) shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxini aniqlash tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Uslubiy qo'llanmada quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:
aholi punkti — huquqiy maqom, nom va chegara bilan belgilangan O'zbekiston Respublikasi ma'muriy-hududiy birligi (shahar, shaharcha, qishloq, ovul);

aholi punktining bosh rejas — aholi punktini hududiy rivojlantirishning asosiy yo'nalishlarini hamda fuqarolarning qulay hayot faoliyati muhitini kompleks shakllantirish shart-sharoitlarini belgilaydigan shaharsozlik hujjati;

shaharsozlik hujjatlari — hududlarni va aholi punktlarini rivojlantirishni shaharsozlik jihatidan rejalashtirish to'g'risidagi hamda ularni qurish haqidagi tasdiqlangan hujjatlar.

2. Mazkur Qo'llanmada quyidagilar xarajatlar nazarda tutilmagan:

topografiya syomkalarini bajarish (shu jumladan, topografik xaritalarni sotib olish);

buziladigan bino-inshootlarni narxlash va buzish smetalarni ishlab chiqish;
chizmalarning nusxalarini, shuningdek ko'chalarning yoyilma ko'rinishlarini, qurilish va obodonlashtirish loyihalari fragmentlarini tayyorlash;

ilmiy-tadqiqot ishlarini bajarish;

arxeologiya ishlarini bajarish;

tarixiy-arxitektura tayanch rejasini tuzish;

loyihalash uchun dastlabki ishlarni bajarish va boshlang'ich ma'lumotlarni yig'ish;

loyihalashtirish topshirig'ini tayyorlash;

loyiha yechimlari variantlarini ishlab chiqish (konsepsiya yoki texnik-iqtisodiy asoslardan (TIA) tashqari);

xavfli geologik jarayonlar va hodisalardan (ko'chki, sel, qor ko'chishi va boshqalar) himoyalash inshootlarini loyihalash;

fuqarolar muhofazasi bo'yicha muhandislik-texnik tadbirlarni loyihalash.

3. Shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxini hisoblashda buyurtmachi tomonidan loyihalashtirish uchun zarur boshlang'ich ma'lumotlarni, loyihalashtirish topshirig'ini hamda shartnomani taqdim etish muddatlari hisobga olinmaydi.

4. Shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxini shakllantirishda quyidagilar hisobga olinadi:

loyihalash muddati;

loyihalash ishlarining hajmi;

murakkablashtiruvchi (yengillashtiruvchi) omillarni hisobga oluvchi tuzatish koeffitsiyentlari.

5. Shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqishning boshlangan yilidan keyingi yilga o'tgan ishlar bo'yicha qonunchilikda belgilangan bazaviy hisoblash miqdoridan kelib chiqqan holda tomonlarning kelishuviga ko'ra shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxiga o'zgartirish kiritilishi mumkin.

6. Shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxini hisoblashda bir nechta oshiruvchi (pasaytiruvchi) koeffitsiyentlar qo'llanilganda, mazkur koeffitsiyentlarning faqat kasr qismi (butun qismini hisobga olmagan holda) bir-biriga qo'shiladi.

7. Mazkur Uslubiy qo'llanmada belgilangan shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxlari qonunchilik hujjatlari va loyihalashtirish topshiriqlariga muvofiq to'liq loyiha hajmi uchun qo'llaniladi hamda loyiha hujjatlarining bajarilmaydigan qismlari tegishli foizlar asosida kamaytirilgan holda hisoblanadi.

Bunda, loyiha hujjatlari qismlarining qiymati loyiha-qidiruv tashkiloti tomonidan bajariladigan ishlarning hajmini hisobga olgan holda mustaqil belgilanadi.

2-bob. Shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxini hisoblash

8. Shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxi quyidagi formula asosida hisoblanadi:

$$Q = A_b \times K_{\text{BHM}} \times K_{\text{IS}}$$

bunda:

Q — shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxi;

K_{BHM} — bazaviy hisoblash miqdori (narxni hisoblash kunida amalda bo'lgan miqdori qo'llaniladi);

A_b — shaharsozlik hujjatlarining tarkibidan kelib chiqib hisoblanadigan ishlab chiqish qiymati (tegishli jadvallar bo'yicha olinadi);

K_{IS} — ijtimoiy soliq stavkasini ko'zda tutuvchi koeffitsiyent.

9. Shaharsozlik hujjatlari ikki bosqichda, ya'ni birinchi bosqichda loyihaning konsepsiyasi yoki texnik-iqtisodiy asoslari (TIA) va ikkinchi bosqichda asosiy loyiha (shaharsozlik hujjatlari) ishlab chiqilishi rejalashtirilganda, shaharsozlik hujjatini ishlab chiqish narxiga 1,25 koeffitsiyent qo'llaniladi. Bunda, shaharsozlik hujjatini ishlab chiqish narxining:

32 foizi — loyihaning konsepsiyasi yoki texnik-iqtisodiy asoslari (TIA);

68 foizi — asosiy loyihaning (shaharsozlik hujjatlari) qiymati hisoblanadi.

10. Mazkur Uslubiy qo'llanma asosida shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish

narxi hisoblab chiqilganidan so'ng xizmat safari xarajatlari (agar xizmat safariga yuboriladigan bo'lsa) va qo'shilgan qiymat solig'i qo'shiladi.

3-bob. O'zbekiston Respublikasining hududi va viloyatlar hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi hujjatlarni ishlab chiqish qiymati

11. O'zbekiston Respublikasining hududini va hududining qismlarini hamda viloyatlar hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi hujjatlarni ishlab chiqish qiymati quyidagi jadvalga muvofiq aniqlanadi:

T/r	Tarh (loyiha)larning nomi	Loyihalarning ko'rsatkichlari	BHM barobari (A _b)
I. O'zbekiston Respublikasining hududini va hududining qismlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi hujjatlar			
1.	O'zbekiston Respublikasi hududini rivojlantirishni rejalashtirish bosh tarhi; O'zbekiston Respublikasi hududining ikki va undan ortiq viloyat hududlarini o'z ichiga olgan qismlarini rivojlantirishni rejalashtirish tarhlari; O'zbekiston Respublikasi hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish tarhi; O'zbekiston Respublikasi hududini rivojlantirishning tarmoq tarhlari.	20 ming km ² gacha	8 016
		20 — 50 ming km ²	8 675
		50 — 100 ming km ²	9 845
		100 — 200 ming km ²	10 861
		200 — 500 ming km ²	12 585
II. O'zbekiston Respublikasining viloyatlari hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi hujjatlar			
2.	Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlar hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish tarhlari	5 ming km ² gacha	1 919
		5 — 10 ming km ²	1 999
		10 — 25 ming km ²	2 121
		25 — 50 ming km ²	2 197
		50 — 100 ming km ²	2 287
		100 — 200 ming km ²	2 403
3.	Tumanni (tumanlar guruhlarini) rejalashtirish loyihasi	2 ming km ²	1 682
		2 — 10 ming km ²	1 848
		10 — 25 ming km ²	2 113
		25 — 50 ming km ²	2 262

12. O'zbekiston Respublikasining hududini va hududining qismlarini hamda viloyatlar hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi hujjatlarni ishlab chiqish qiymatiga quyidagi koeffitsiyentlar qo'llanilgan holda hisoblanadi:

T/r	Ishlab chiqish qiymatiga ta'sir qiluvchi omillar	O'zbekiston Respublikasining hududini va hududining qismlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi hujjatlar	Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlar hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish tarhlari	Tumanni (tumanlar guruhlarini) rejalashtirish loyihasi	Qo'llaniladigan koeffitsiyentlar
1.	Aholining umumiy soni, ming kishi	1 000 gacha	100 gacha	100 gacha	1,00
		1 000 — 2 500	100 — 250	100 — 250	1,05
		2 500 — 5 000	250 — 500	250 — 500	1,10
		5 000 — 10 000	500 — 1 000	500 — 1 000	1,15
		10 000 — 20 000	1 000 — 2 000	1 000 — 3 000	1,20
		20 000 — 30 000	2 000 — 3 000	3 000 — 5 000	1,30
		30 000 dan ortiq	3 000 dan ortiq	5 000 dan ortiq	1,40
2.	Tumanlar soni	20 — 50	5 — 6	2 — 3	1,05
		50 — 100	7 — 8	4 va undan ortiq	1,10
		100 — 150	9 va undan ortiq	-	1,15
		150 va dan ortiq	-	-	1,20
3.	Shahar aholi punktlarining soni	10 gacha	1 — 2	1 — 2	0,90
		10 — 20	3 — 4	3 — 4	1,00
		20 — 50	5 — 6	5 — 6	1,05
		50 — 100	7 — 8	7 — 8	1,10
		100 dan ortiq	10 va undan ortiq	10 va undan ortiq	1,15
4.	Qishloq aholi punktlarining soni	-	100 gacha	100 gacha	0,95
		1 000 gacha	100 — 250	100 — 250	1,00
		1 000 — 2 000	250 — 500	250 — 500	1,05
		2 000 — 4 000	500 — 1 000	500 — 1000	1,10
		4 000 — 6 000	1 000 — 1 500	1000 — 1500	1,15
		6 000 — 8 000	1 500 — 2 000	1500 — 2000	1,20
5.	Yirik shahar yoki shaharlar guruhining (aglomeratsiyalar) mavjudligi, aholining umumiy soni, ming kishi	500 gacha	500 gacha	500 gacha	1,05
		500 — 1 000	500 — 1 000	500 — 1 000	1,10
		1 000 — 2 500	1 000 — 2 500	1 000 — 2 500	1,15
		2 500 — 5 000	2 500 — 5 000	2 500 — 5 000	1,20
6.	Hududda sanoatning rivojlanganligi, aholining umumiy sonida sanoat-ishlab chiqarish xodimlarining ulushi (%)	1,0 — 2,0	1,0 — 2,0	1,0 — 2,0	1,00
		2,0 — 5,0	2,0 — 5,0	2,0 — 5,0	1,10
		5,0 — 10,0	5,0 — 10,0	5,0 — 9,0	1,20
		10,0 — 15,0	10,0 — 15,0	9,0 — 14,0	1,30
		15,0 — 20,0	15,0 — 20,0	14,0 — 20,0	1,40
		20,0 — 30,0	20,0 — 30,0	20,0 — 30,0	1,50
7.	Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yerlar va o'rmon fondi yerlari, ming gektar	500 gacha	20 gacha	20 gacha	0,95
		500 — 1 000	20 — 50	20 — 50	1,00
		1 000 — 2 500	50 — 100	50 — 100	1,05
		2 500 — 5 000	100 — 150	100 — 150	1,10
		5 000 dan ortiq	150 dan ortiq	150 dan ortiq	1,15

8.	Keng tarqalgan foydali qazilma konlarining mavjudligi (bundan qurilish materiallari konlari mustasno)	a) bir turdagi foydali qazilma mavjud bo'lganda	1,10
		b) ikki yoki undan ortiq turdagi foydali qazilma mavjud bo'lganda	1,15
9.	Turistik-rekreatsion zonalarining (kurort, davolash, dam olish muassasalari va boshqalar) mavjudligi, sig'imi ming kishi	30	1,15
		20	1,20
10.	Sanoat va ishlab chiqarishning o'ttiz foizidan ortiq qismini tashkil etuvchi tarmoqlari soni	2	1,10
		3	1,20
		3 dan ortiq	1,30
11.	Xavfli geologik jarayonlar va hodisalar (ko'chki, sel, qor ko'chishi va boshqalar) yuzaga kelishi mumkin bo'lgan hududlarning mavjudligi, loyihalanadigan hududga nisbatan foiz hisobida	10 %	1,05
		20 %	1,10
12.	Loyihalanadigan hududning kamida 25 foizi seysmik darajasi 8 ball yoki undan ortiq bo'lgan hududlar mavjudligi		1,10
13.	Sig'imi 1,0 mlrd. m ³ dan ortiq bo'lgan mavjud va loyihalanayotgan suv omborlari (tabiiy havzalar), shuningdek viloyatlararo va davlatlararo ahamiyatga ega yirik magistral kanallar va meliorativ tizimlarning mavjudligi		1,05
14.	Ekologiya va atrof-muhitga ta'sirni baholash loyihagini ishlab chiqish		1,30
15.	Mavjud yoki rejalashtirilayotgan tabiiy (milliy) bog'larning mavjudligi, loyihalanayotgan hududga nisbati	10 %	1,15
		20 %	1,20

4-bob. Aholi punktlarining hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi hujjatlarni ishlab chiqish qiymati

13. Aholi punktlarining hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish qiymati quyidagi jadvalga muvofiq aniqlanadi:

T/r	Loyihalarning nomi	Loyihalarning ko'rsatkichlari	BHM barobari (A _b)
1.	Aholi soni 500 ming kishidan ortiq bo'lgan shaharlar bosh rejalarining konsepsiyasi yoki texnik-iqtisodiy asoslari (TIA), aholisi soni ming kishi (ikki bosqichli loyihalashda)	500 dan 750 gacha	2 981
		750 dan 1000 gacha	3 519
		1000 dan ortiq	3 817
2.	Aholi punktlarining (shahar, shaharcha) bosh rejasi, aholisi soni ming kishi (bir bosqichli loyihalashda)	1 gacha	368
		1 dan 2 gacha	389
		2 dan 5 gacha	465
		5 dan 10 gacha	600
		10 dan 25 gacha	895
		25 dan 50 gacha	1284
		50 dan 100 gacha	2137
		100 dan 250 gacha	3223
		250 dan 500 gacha	4805
		500 dan 750 gacha	5523
		750 dan 1000 gacha	6647
1000 dan ortiq	7158		

3.	Aholi punktlarining (shahar, shaharcha) joylashish holati tarhi, km ² (bosh rejaga qo'shib ishlanadi)	500 gacha	151
		500 dan 2000 gacha	297
		2000 dan ortiq	443
4.	Aholi punktlari (qishloq, ovul, mahalla) hududlarini shaharsozlik jihatidan rivojlantirish sxemalari, ming gektar	4 gacha	591
		4 dan 10 gacha	792
		10 dan 20 gacha	1037
		20 dan ortiq	1149
5.	Aholi punktlari chegara chiziqlarining loyihalari, km ²	10 gacha	832
		10 dan 50 gacha	961
		50 dan 100 gacha	1 030
		100 dan ortiq	672
6.	Shaharning sanoat hududini, shuningdek maxsus iqtisodiy zonalarini hududlarini rejalashtirish loyihalari, gektar	50 gacha	800
		50 dan 100 gacha	1 193
		100 dan 250 gacha	1 783
		250 dan 500 gacha	2 186
		500 dan ortiq	2 981

14. Aholi punktlarining hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish to'g'risidagi shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish qiymatiga quyidagi koeffitsiyentlar qo'llanilgan holda hisoblanadi:

T/r	Nomlanishi	Koeffitsiyent
1.	Toshkent shahri va uning atrofidagi aholi punktlari (aglomeratsiyalar)	1,3
2.	Viloyatning ma'muriy markazi bo'lgan shaharlar, shuningdek respublika va viloyatga bo'ysunuvchi shaharlar hamda kurort aholi punktlari	1,2
3.	Tumanning ma'muriy markazi bo'lgan shahar va shaharchalar	1,1
4.	Hududning seysmik darajasi 8 ball va undan yuqori bo'lgan aholi punktlari	1,15
5.	Hududda sanoat ahamiyatiga ega foydali qazilmalar mavjud bo'lgan aholi punktlar	1,15
6.	Shahar (shaharcha) aholi punktlarining qisqartirilgan hajmdagi bosh rejalari	0,7
7.	5 dan ortiq yirik korxonalar joylashgan hududning rejalashtirish loyihalari	1,15
8.	Geografik to'siqlar (daryo, jarlik, kanal, chuqurlik, tranzit temir yo'l, avtomobil yo'li, magistral muhandislik tarmoqlar) bilan hududi ikki yoki undan ortiq qismlarga ajratilgan aholi punktlarining (shahar, shaharchalar) bosh rejalari	1,2
9.	Bosh rejalarga tuzatishlar (o'zgartirishlar): loyiha hujjati tasdiqlangandan 10 yilgacha bo'lgan muddatda loyiha hujjati tasdiqlangandan keyin 10 yildan oshgan muddatda	0,8
		0,9
10.	Ekologiya va atrof muhitga ta'sirini baholash loyihasi (bosh reja, sanoat hududi, maxsus iqtisodiy zonalar va boshqalar)	0,25

15. Aholi punktining bosh rejasi batafsil rejalashtirish loyihasi (BRL) bilan birgalikda ishlab chiqilganda, bosh rejani ishlab chiqish qiymatining 50 foizi, batafsil rejalashtirish loyihasi (BRL) va boshqa loyihalarni ishlab chiqish qiymatlari to'liq qo'shib hisoblanadi.

5-bob. Aholi punktlarining hududlarini qurish to'g'risidagi hujjatlarni ishlab chiqish qiymati

16. Batafsil rejalashtirish loyihasi (BRL) va master rejani ishlab chiqish qiymati quyidagi jadvalga muvofiq aniqlanadi:

T/r	Loyihalarning nomi	Loyihalarning ko'rsatkichlari	BHM barobari (A _b)
1.	Shahar (shaharcha) hududini batafsil rejalashtirish loyihasi va master reja, gektar	30 gacha	633
		30 — 50	778
		50 — 100	1 115
		100 — 250	1 636
		250 — 500	2 441
		500 dan ortiq	2 921
2.	Shahar hududlarini rejalashtirish tarhlari, aholi soni, ming kishi (BRL tarkibida ishlanadi)	100 gacha	621
		100 — 250	823
		250 — 500	1 307
		500 dan ortiq	1 582
3.	Qishloq, ovul, mahalla hududlarini batafsil rejalashtirish loyihalari, gektar	20 — 30	343
		30 — 50	505
		50 — 100	727
		100 — 150	1136
		150 — 300	1176
		300 dan ortiq	1350

17. Batafsil rejalashtirish loyihasi (BRL) va master rejani ishlab chiqish qiymatiga quyidagi koeffitsiyentlar qo'llanilgan holda hisoblanadi:

T/r	Nomlanishi	Koeffitsiyent
1.	Tarixiy va madaniy yodgorliklar, kurort-rekreatsion majmualar joylashgan hududlar, shuningdek aholi punktining umumiy jamoat markazlari	1,1
2.	Shaharlarning markazlari	1,2
3.	Grafik materiallar quyidagi masshtablarda ishlab chiqilganda:	-
	- M 1:2000	1,25
	- M 1:1000	1,5
4.	Master rejani ishlab chiqishda hududlarning iqtisodiy tahlili	1,25
5.	Loyihalanadigan hudud geografik to'siqlar (daryo, jarlik, chuqurlik, tranzit temir yo'l, avtomobil yo'li, magistral muhandislik tarmoqlar) bilan ikki yoki undan ortiq qismlarga ajratilgan bo'lsa	1,1

6.	Ekologiya va atrof-muhitga ta'sirini baholash loyihasi	0,15
7.	Toshkent shahri va uning atrofidagi aholi punktlari (aglomeratsiyalar)	1,3
8.	Viloyatning ma'muriy markazi bo'lgan shaharlar, shuningdek respublika va viloyatga bo'ysunuvchi shaharlar hamda kurort aholi punktlari	1,2
9.	Tumanning ma'muriy markazi bo'lgan shahar va shaharchalar	1,1
10.	Hududning seysmik darajasi 8 ball va undan yuqori bo'lgan aholi punktlari	1,15
11.	Hududda sanoat ahamiyatiga ega foydali qazilmalar mavjud bo'lgan aholi punktlar	1,15

6-bob. Shaharsozlik hujjatlari tarkibiga kiruvchi ayrim loyihalarni ishlab chiqish va ular bilan bog'liq ishlarni bajarish qiymati

1-§. Shaharsozlik hujjatlarining muhandislik jihatdan tayyorlash tadbirlari bo'yicha tarhlarni ishlab chiqish qiymati

18. Shaharsozlik hujjatlarining muhandislik jihatdan tayyorlash tadbirlari bo'yicha tarhlarni ishlab chiqish qiymati quyidagi jadvalga muvofiq aniqlanadi:

T/r	Loyiha nomi	Loyihalarning ko'rsatkichlari	BHM barobari (A_p)
1.	Ko'chki va o'pirilishga qarshi tadbirlar tarhi, gektar	100 ga gacha	56
		100 — 500	69
		500 — 2 000	96
		2 000 — 10 000	141
		10 000 dan ortiq	217
2.	Selga qarshi tadbirlar tarhi, gektar	100 ga gacha	19
		100 — 500	24
		500 — 2 000	34
		2 000 — 10 000	54
		10 000 dan ortiq	58
3.	Sanitariya-gigiyena sharoitlarini yaxshilash tarhi, gektar	100 ga gacha	27
		100 — 500	35
		500 — 2 000	65
		2 000 — 10 000	100
		10 000 dan ortiq	107
4.	Karstlangan maydonlarni o'zlashtirish yoki yer osti suvlari sathini pasaytirish tadbirlari tarhi, gektar	100 ga gacha	68
		100 — 500	80
		500 — 2 000	111
		2 000 — 10 000	148
		10 000 dan ortiq	173

5.	Suv bosishidan, yog'ingarchilik suvlaridan himoyalash va olib chiqish tarhi, gektar	100 ga gacha	17
		100 — 500	19
		500 — 2 000	29
		2 000 — 10 000	46
		10 000 dan ortiq	58
6.	Sug'orish tarhi, gektar	100 ga gacha	73
		100 — 500	89
		500 — 2 000	121
		2 000 — 10 000	158
		10 000 dan ortiq	183
7.	Suv ta'minoti tarhi (mikroiqlim tadbirlari, sun'iy ko'llar va cho'milish havzalari tashkil qilish), gektar	100 ga gacha	27
		100 — 500	35
		500 — 2 000	64
		2 000 — 10 000	100
		10 000 dan ortiq	107
8.	Buzilgan yerlarni rekultivatsiya qilish tarhi, gektar	100 ga gacha	19
		100 — 500	24
		500 — 2 000	34
		2 000 — 10 000	54
		10 000 dan ortiq	58
9.	Daryo o'zanini tartibga solish va to'g'rilash tarhi, o'zan uzunligi kilometr	1 km gacha	24
		1 — 5	38
		5 — 20	56
		20 dan ortiq	60
10.	Qirg'oqni mustahkamlash ishlari tarhi, qirg'oq mintaqasi uzunligi kilometr	1 km gacha	17
		1 — 5	22
		5 — 20	32
		20 dan ortiq	36
11.	Suv bo'yini qurish tarhi, suv bo'yi uzunligi kilometr	1 km gacha	41
		1 — 5	61
		5 — 20	112
		20 dan ortiq	142
12.	Daryo oqimini tartibga solish tarhi, daryoning uzunligi kilometr	1 km gacha	58
		1 — 5	78
		5 — 20	111
		20 dan ortiq	123
13.	Jarliklar va boshqa eroziyaga uchragan hududlarni obodonlashtirish tarhi, ularning uzunligi kilometr	1 km gacha	17
		1 — 5	22
		5 — 20	32
		20 dan ortiq	37

Izoh: Noqulay tabiiy sharoitda joylashgan aholi punktlari uchun (yuza nishabligi 0,005 % dan kichik yoki 0,05 % dan katta bo'lgan murakkab relyefli joy, botqoq va suv bosadigan; tuproqlari cho'kuvochan, ko'pchiydigan, karstli, ko'chki va jarlik hosil bo'lish jarayonlari mavjud bo'lgan) ushbu

jadvalning 1, 2, 4, 5, 6, 7 va 13-bandlarida nazarda tutilgan tarhlarni ishlab chiqish qiymatiga 1,2 koeffitsiyent qo'llanilgan holda aniqlanadi.

2-§. Shaharsozlik hujjatlarining maketlari, 3D-materiallari va taqdimot materiallarini ishlab chiqish qiymati

19. Shaharsozlik hujjatlarining maketlarini tayyorlash va kompyuter dasturlari yordamida 3D-materiallarni ishlab chiqish qiymati shaharsozlik hujjatlarining ishlab chiqish qiymatiga nisbatan quyidagi jadvaldagi koeffitsiyentlar bo'yicha aniqlanadi:

T/r	Turlari	Koeffitsiyentlar		
I. Relyef maketlari		Relyef nishabligi bo'yicha murakkablik toifasi		
		I	II	III
		4% gacha	8% gacha	8% dan ortiq
1.	Masshtabi: 1: 500 1:1000 1:2000	0,07 0,10 0,13	0,08 0,11 0,15	0,06 0,13 0,20
<i>Izoh: Maketlarini (hududiy va hajmiy) tayyorlash qiymati batafsil rejalashtirish loyihasining umumiy narxiga nisbatan qo'llaniladi.</i>				
II. Qurilish hajmlari ko'rsatilgan rejalashtirish maketlari		Maketni binolar bilan to'ldirish zichligi bo'yicha toifasi		
		I	II	III
		30% gacha	50% gacha	50% dan ortiq
2.	Masshtabi: 1: 500 1:1000 1:2000	0,29 0,35 0,41	0,31 0,41 0,51	0,31 0,46 0,61
<i>Izoh: I toifada bino va inshootlarning asosiy me'moriy hajmlari ko'rsatiladi. II toifada bino va inshootlarning asosiy me'moriy hajmlari va fasadlari ko'rsatiladi. III toifada aniq hajmda bino va inshootlarning tom, karnizlar, derazalar va fasadi bo'yicha me'moriy yechimning asosiy elementlari ko'rsatiladi.</i>				
III. Kompyuter dasturlari yordamida tayyorlangan 3D-materiallari		Vizual tasvirni to'ldirish darajasi bo'yicha toifasi		
		I	II	III
		30% gacha	50% gacha	50% dan ortiq
3.	3D-materiallar	0,1	0,15	0,2
<i>Izoh: I toifada batafsil detallarsiz, binolar hajmlari ko'rsatilgan holda bajariladi. II toifada binolar hajmi va fasadlarining ba'zi detallari ko'rsatilgan holda bajariladi. III toifada animatsiyali, binolar hajmi va fasadlarining detallari ko'rsatgan holda bajariladi.</i>				

20. Shaharsozlik hujjatlarining taqdimot materiallarini ishlab chiqish qiymati shaharsozlik hujjatlarining ishlab chiqish qiymatiga nisbatan 0,1 koeffitsiyent,

ularni Internet butunjahon axborot tarmog'i va boshqa axborot dasturlariga joylashtirish ishlarining qiymati shaharsozlik hujjatlarining ishlab chiqish qiymatiga nisbatan 0,05 koeffitsiyent qo'llanilgan holda hisoblanadi.

21. Shaharsozlik hujjatlarining maketlari, 3D-materiallari va taqdimot materiallarini tayyorlash ishlari buyurtmachi tomonidan berilgan topshiriq hamda shartnoma asosida tomonlarning o'zaro kelishgan narxlarida bajariladi.

3-§. Aholi punktlarining shaharsozlik hujjatlari boyicha mualliflik nazoratini amalga oshirish qiymati

22. Aholi punktlarining shaharsozlik hujjatlari bo'yicha bir marotaba mualliflik nazoratini amalga oshirish qiymati quyidagi jadvalga muvofiq aniqlanadi:

T/r	Aholining loyihaviy soni, kishi	BHM baravar (A_b)
1.	20 mingga	90
2.	50 mingga	120
3.	250 mingga	250
4.	500 mingga	550
5.	500 mingdan ortiq	1000

Izoh: Nazorat davriyligi buyurtmachi bilan kelishilgan nazorat reja-jadvalida belgilanadi.

23. Aholi punktlarining shaharsozlik hujjatlari bo'yicha mualliflik nazoratini amalga oshirish qiymatiga nazorat davriyligi ko'paytirilgan holda ushbu Uslubiy qo'llanmaning 8-bandida keltirilgan formula asosida hisoblanadi.

7-bob. Yakuniy qoida

24. Mazkur Uslubiy qo'llanma talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг 2024 йил 4 сентябрдаги 01/21-3173-сон “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2024 йил 25 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039-2.

2. О‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 24-sentabrdagi 26-mh-son “Elektron hisoblash mashinalari uchun yaratilgan dasturlar va ma’lumotlar bazasini rasmiy ro‘yxatdan o‘tkazish qoidalarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyruqni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 25-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3436-1.

3. О‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 24-sentabrdagi 25-mh-son “Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 25 sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3555.

4. О‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi va Ichki ishlar vazirligining 2024-yil 9-sentabrdagi 29, 21-son “Haydovchi va haydovchilikka nomzodlarni transport vositalarini boshqarishga yaroqliligini tekshirish uchun tibbiy ko‘rikdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori.

2024-yil 26-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2472-3.

5. О‘zbekiston Respublikasi qurilish va uy joy kommunal xo‘jaligi vazirining 2024-yil 26-avgustdagi 1-son “O‘zbekiston Respublikasining hududlarini rivojlantirishni rejalashtirish va qurish to‘g‘risidagi shaharsozlik hujjatlarini ishlab chiqish narxlarini aniqlash bo‘yicha uslubiy qo‘llanmani tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 27-sentabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3556.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2023 йил 29 майдаги 7-мх-сон “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва

маълумотлар базасини расмий рўйхатдан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 3436, 2023 йил 30 май).

2024 йил 25 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1999 йил 26 январда тасдиқланган Стационар даволаш-профилактика муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинган дори воситалари ва тиббий маҳсулотларни бериш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш тартиби (рўйхат рақами 639, 1999 йил 18 февраль).

2024 йил 25 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2003 йил 23 июндаги 39-сон “Кинология хизмати ходимлари учун махсус кийим, махсус поябзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1254, 2003 йил 3 июль).

2024 йил 25 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 28 январдаги 23-сон “Таваккалчиликка асосланган ўйин автоматлари залини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1313, 2004 йил 17 февраль).

2024 йил 25 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 25 февралдаги 59-сон “Маҳсулотларни сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1458, 2005 йил 18 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1458-1, 2015 йил 27 март), (рўйхат рақами 1458-2, 2016 йил 1 июль), (рўйхат рақами 1458-3, 2017 йил 7 декабрь), (рўйхат рақами 1458-4, 2018-йил 13 июнь), (рўйхат рақами 1458-5, 2020 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 1458-6, 2023 йил 15 май).

2024 йил 25 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 4 мартдаги 83-сон “Маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1465, 2005 йил 6 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1465-1, 2015 йил 27 март), (рўйхат рақами 1465-2, 2016 йил 18 март), (рўйхат рақами 1465-3, 2017 йил 4 сентябрь), (рўйхат рақами 1465-4, 2018 йил 8 февраль).

2024 йил 25 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 7 сентябрдаги 340-сон “Мажбурий тартибда сертификатланган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турла-

рини сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1513, 2005 йил 28 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1513-1, 2008 йил 26 сентябрь), (рўйхат рақами 1513-2, 2015 йил 27 март).

2024 йил 25 сентябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.